

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**З.М. БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**Қўлёзма ҳуқукида**

**НУРАЛИЕВ ШОҲРУҲБЕК МАҲАММАДСОЛИЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ ДАВРИДА ЕР-СУВ**  
**МУНОСАБАТЛАРИ**  
**(XVII-XIX асрлар)**

**Мутахассислик: 5А 120301 – «Ўзбекистон тарихи»**

**Ўзбекистон тарихи магистри даражасини олиш учун**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: М.Ғ. АБДУЛЛАЕВ**  
**тарих фанлари номзоди, доцент**

**Андижон-2016**

## **МУНДАРИЖА**

|                                                                                              |              |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|
| <b>КИРИШ .....</b>                                                                           | <b>3 - 8</b> |
| <b>I БОБ. МАВЗУГА ДОИР МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА<br/>ТАРИХШУНОСЛИК .....</b>                       | <b>9 -</b>   |
| <b>1.1. Хонликлар тарихига оид манбалар .....</b>                                            | <b>9 -</b>   |
| <b>1.2. Мавзу тарихшунослиги .....</b>                                                       |              |
| <b>II БОБ. ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИ<br/>ВА УНИНГ ХУСУСИЯТИ .....</b>          |              |
| <b>2.1. Хонликлар ҳудуди ва аҳолининг асосий машғулоти .....</b>                             |              |
| <b>2.2. Қишлоқ хўжалиги ва ер эгаллиги муносабатлари .....</b>                               |              |
| <b>2.3. Сунъий суғориш тизими .....</b>                                                      |              |
| <b>III БОБ. XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЧОРАГИДА ЎЗБЕК<br/>ХОНЛИКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ .....</b> |              |
| <b>3.1. Қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик .....</b>                                      |              |
| <b>3.2. Қишлоқ хўжалигидаги солиқ тизими .....</b>                                           |              |
| <b>ХУЛОСА .....</b>                                                                          |              |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>                                                |              |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида тарихимизга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, советлар ҳукмронлиги йилларида нотўғри баҳо берилган ёки юзаки кўриб чиқилган масалаларга жиддий ёндашув кучайди. Энг муҳими, миллий мафкурамизнинг асоси бўлмиш миллий тарихни қайта тиклаш имконияти пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўз фаолиятининг дастлабки давридаёқ Ватанимиз тарихининг советлар даврида сохталаштирилган ёки тўла ўрганилмаган саҳифаларини қайтадан, ҳаққоний ўрганиш зарурлигини кун тартибига қўйган эди<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида ҳаққоний ўрганила бошланган масалалардан бири бу ўзбек хонликлари давлатчилиги тарихи, хонликлар давридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихи масаласидир. Ўзбек хонликлари ҳукм сурган даврда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ўзига хос тарзда ривожланиб борди. Айниқса, хонликлар давридаги ер-сув муносабатлари масаласи сўнгги ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутди.

Хонликлар даври умумий ҳолда давлатчилик нуқтаи назаридан тарқоқлик даври ҳисоблансада, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан уччала хонликда ҳам ўзига хос умумий жиҳатлар кўзга ташланади. Айниқса, бутун Ўрта Осиёда амалда бўлган ер эгалиги муносабатлари, ер ва сувдан фойдаланиш шакллари муштарак равишда ривожланиб борди. Сиёсий муносабатлар нечоғлик мураккаб бўлишидан қатъий назар, бу даврда сунъий суғориш ишларига эътибор сусаймаган, десак тўғри бўлади. Деҳқончилиги кўп жиҳатдан сунъий суғориш ишлари билан боғлиқ бўлган мамлакатимиз учун бу соҳадаги доимий ҳаракатлар бўлиши табиий эди.

Суғориш ишларининг йўлга қўйиб бориш табиий равишда деҳқончилик, боғдорчилик учун тегишли шароит яратиб берган. Ўлкада авваалгидек дончилик, пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик, пиллачилик ривожланиб бораверган. Айниқса, боғдорчилик ҳар қандай мураккаб шароитларда ҳам

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 174-бет.

уччала хонлик ҳудудларида тобора тараққий этиб бораверган.

Умуман, ўзбек хонликлари давридаги ер-сув муносабатлари, унинг ўзига хос жиҳатлари хонликлар давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутди. Ўзбек хонликлари давридаги ер эғалиги муносабатлари, деҳқончилик, сунъий суғориш соҳасидаги асрий тажрибалар тарихини тарихшунослик нуқтаи назаридан алоҳида мавзу сифатида тадқиқ этиш долзарб масалалардан биридир. Мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб, ушбу магистрлик диссертациясида ўзбек хонликлари давридаги ер-сув муносабатлари тарихини ёритиш мақсади қўйилди.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Ўзбек хонликлари давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари, бу соҳадаги хусусий ва умумий жиҳатлар ушбу тадқиқот ишининг объекти саналади. Хонликлар ҳудудидаги ер-сув муносабатлари, сунъий суғориш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш формалари магистрлик диссертациясининг предметини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Ушбу магистрлик диссертациясида ўзбек хонликлари давридаги ер-сув муносабатлари масаласини – ер ва сувдан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва унинг шакллари тарихини тарихий манбалар ва илмий адабиётлар асосида ўрганиш, тадқиқ этиш мақсади қўйилди. Ушбу умумий мақсаддан келиб чиқиб, диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланди:

- ўзбек хонликлари даври ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари ҳақида маълумот берувчи хонликлар даврида маҳаллий тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган ёзма манбаларни таҳлил қилиш, хонликлар даври тарихига оид илмий-тарихий адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

- XVII-XIX асрларда ўзбек хонликлари ҳудуди, улардаги ўзгаришлар, хонликлар аҳолиси ва уларнинг асосий машғулотлари ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш;

- хонликлардаги қишлоқ хўжалиги ва ер эғалиги муносабатларини ёритиш, унинг умумий ва хусусий жиҳатларини кўрсатиб ўтиш;

- ўзбек хонликларида йўлга қўйилган сунъий суғориш тизими тажрибаларини ўрганиш, хонликларда барпо этилган суғориш иншоотлари, канал ва ариқлар ҳақида маълумот бериш;

- ўзбек хонликларида XIX аср биринчи ярмида ер-сув муносабатларида юзага келган ўзгаришларни таҳлил қилиш, бу даврдаги умумий деҳқончилик аҳволини ёритиш;

- хонликлардаги қишлоқ хўжалик соҳасидаги солиқ тизими ва солиқ турларини таҳлил қилиш;

- ўрганилган мавзунинг назарий хулосалари бўйича ушбу масалани ҳар тарафлама ва кенг ўрганиш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш.

**Диссертациянинг илмий янгилиги.** Ушбу магистрлик диссертациясида ўзбек хонликлари давридаги ер-сув муносабатлари, хонликлардаги деҳқончилик ишлаб чиқариши ва унинг турлари, ер эгаллиги муносабатлари масаласига оид маълумотлар миллий истиқлол мафкураси ва ҳозирги замон назарий-услубий талаблари нуктаи назаридан тадқиқ қилинди. Мазкур битирув малакавий ишда эришилган асосий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- ўрганилган мавзу мустақил Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий кадриятлар ва тарихий ҳақиқатни тиклаш борасида қўйилаётган талабларга мос равишда ва унинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилди;

- ўзбек халқининг асрлар мобайнида ердан фойдаланиш соҳасида қўлга киритган ютуқлари, бу соҳадаги бой тажрибалари ўзбек хонликлари даври мисолида, далиллар асосида ёритиб ўтилди;

- ўзбек хонликлари давридаги сунъий суғориш соҳасидаги ютуқлар, янгидан барпо этилган суғориш иншоотлари ва унинг деҳқончиликдаги аҳамияти кўрсатиб ўтилди;

- хонликлар даврида айрим минтақаларнинг маълум қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бўйича ихтисослашуви, бу борада эришилган ютуқлар кўрсатиб ўтилди;

- хонликлар даврида амалда бўлган солиқ тизими, қишлоқ хўжалик соҳасидаги солиқ турлари ва уларнинг тўланиш тартиблари ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилди.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Ўзбек хонликлари даври тарихи бўйича бугунги кунгача кўплаб илмий адабиётлар яратилган. Бу асарларнинг аксарияти асосан, хонликларнинг умумий сиёсий тарихига бағишланган бўлиб, уларда хонликлардаги ер-сув муносабатлари масалалари ҳам бирмунча ўз аксини топган. Умуман, ўзбек хонликлари давридаги ер-сув муносабатлари масаласи у ёки бу даражада акс этган адабиётларни бир неча гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Хонликлар даврида маҳаллий тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган ёзма манбалар<sup>1</sup>. Булар ўз аҳамиятига кўра манбавий характерда бўлиб, уларнинг энг муҳимлари магистрлик диссертациясининг асосий қисмида таҳлил қилиб ўтилган.

2. Россия империясининг Ўрта Осиёга босқинчилик юришлари арафасида ва рус босқинидан кейинги даврда европалик сайёҳлар, элчилик миссияси вакиллари ва рус амалдорлари томонидан ёзиб қолдирилган эсдаликлар<sup>2</sup>. Бу эсдаликларда хонликлардаги ер эгалиги муносабатлари, деҳқончилик ва унинг турлари, сунъий суғориш тажрибаларига доир маълумотлар ўрин олган. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, бу асарларда муаллифлар хонликлар давридаги ердан фойдаланиш тажрибаси, сунъий

---

<sup>1</sup> Абу Тоҳирхожа. Самария. – Т.: “Мерос”, 1990; Абулғозий Баҳодурхон. Шажараи турк. – Т.: “Чўлпон”, 1992; Баёний Мухаммад Юсуф. Шажараи Хоразмшоҳий. – Т.: “Камалак”, 1994; Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Иброт. Фарғона тарихи. – Т.: “Камалак”, 1991; Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих улҳавоқин (Кўкон хонлиги тарихи). Нашрга тайёрловчилар: А.Матғозиев, М.Усмонова. – Т.: 1995; Мухаммад Солиҳ Тошкандий. Тарихи жадидаи Тошканд. (Нашрга тайёрловчи О.Раҳимов). – Т.: 2001; Мухаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. 1-2 китоб. – Душанбе: “Дониш”, 1985; Хофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. Нашрга тайёрловчи академик Б.А. Аҳмедов. 1-2-жилдлар. – Т.: “Шарк”, 1999; 2000.

<sup>2</sup> Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент, 1990; Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней Азии. – М.: «Наука», 1966; Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань: 1886; Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. – Т.: 1913; Духовская В. Туркестанские воспоминания. – СПб, 1913. Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством земледелием и о поездке в Туркестанский край. – Полтава: 1912; Ликошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерки битва туземного населения. ПГР. 1916; Масальский В.И. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предприимчивость. – СПб: 1908; Масальский В.И. Хлопковая дело в Средней Азии. – СПб: 1892; Масальский В.И. Туркестанский край. – СПб: 1913; Федченко А.п. В Кокандском ханстве. Тетрадь первая. – СПб: 1875.

суғориш тизими ва маҳаллий деҳқонларнинг деҳқончиликка бўлган муносабатидан ва бу борадаги тажрибаларидан хайратга тушганлар.

3. Совет ҳокимияти йилларида яратилган Ўзбекистон тарихи бўйича фундаментал асарлар ва Ўрта Осиёнинг хонликлар даври тарихига оид алоҳида тадқиқот асарлари<sup>1</sup>. Бу асарларда ўзбек хонликларининг сиёсий тарихи билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари ҳам атрофлича ёритиб ўтилган. Лекин бу асарларда бу даврдаги ер-сув муносабатлари синфийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилган, хонликлардаги ишлаб чиқариш муносабатлари марксча-ленинча таълимот асосида талқин этилган. Айтиш мумкинки, бу даврда яратилган асарларда хонликлар даври ижтимоий-иқтисодий муносабатлари фақат салбий кўринишда ёритилган.

4. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида яратилган асарлар ва илмий тадқиқотлар<sup>2</sup>. Бу илмий тадқиқот ишларида Ўзбекистон тарихининг турли даврлари қаторида ўзбек хонликлари даври тарихи ҳам ҳолисона ёритиб ўтилган. Уларда воқеа-ҳодисаларга бирмунча объектив баҳо берилган, илгариги тадқиқотларда соҳталаштирилган ёки атайин ёритилмай кетган масалалар манбалар асосида талқин этилган. Бу асарларда хонликлардаги ишлаб чиқариш муносабатлари, жумладан, ер ва сувдан фойдаланиш, хонликлардаги деҳқончилик ишлари, сунъий суғориш билан боғлиқ масалалар атрофлича ёритиб ўтилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1956; Семёнов А.А. Очерки поземельно-податного налогового устройства Бухарского ханства. /Труды САГУ, серия 2, вып. 1. – Т.: 1930; Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI-первой половине XIX века. Том 1. – Т.: 1966; Троицкая А.Л. Материалы по истории Кокандского ханства XIX в. – М.: 1969; Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худоярхана). – Т.: “Фан”, 1973; Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Т.: “Фан”, 1959; Соатов С.С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув кўланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1973; Жуvonмaрдиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Т.: “Фан”, 1965; Самарқанд тарихи. 1-2 том. Муаллифлар гуруҳи. – Т.: “Фан”, 1971; Бухоро тарихи. Муаллифлар гуруҳи. – Т.: “Фан”, 1974

<sup>2</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-2 жилдлар. – Т.: “Фан”, 1991-1992; Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994; Сағдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: “Академия”, 2000; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: “Шарқ”, 2001; Бобобеков Х.Н. Қўқон тарихи. – Т.: “Фан”, 1996; Хоразм тарихи. 1-жилд. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. – Урганч: 1997; Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган: 1994; Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи. – Т.: “Шарқ”, 2004; Р.Муртазаева ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001; Худойкулов Т.Д. XIX асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. – Т.: “Тафаккур”, 2010; Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: «Янги аср авлоди», 2012.

**Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари.** Магистрлик диссертациясида мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Бу ишимизда ўрганилаётган муаммони тўғри хал этишда илмий билишнинг холислик, тарихийлик, тизимлилик ва ривожланиш каби принципларига амал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида, давлат ва ҳукумат фармон-қарорларида илгари сурилган методологик, илмий-назарий, маънавий-мафкуравий характердаги фикр-ғоялар, дастурий-концептуал кўрсатмалар тадқиқот ишида назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Магистрлик диссертациясида жамланган маълумотлар, хулосалар ва умумлаштиришлар ўзбек хонликлари давридаги ер-сув муносабатлари борасида тўпланган тарихий тажрибалар тарихини атрофлича ва холисона ўрганишга имкон беради. Магистрлик диссертациясининг назарий хулосаларидан хонликлар даври ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва ишлаб чиқариш муносабатлари тарихини атрофлича ўрганишда, шунингдек, Ўрта Осиёда сунъий суғориш тараққиёти, ирригация иншоотлари қурилиши тарихини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Айни пайтда, диссертацияда жамланган маълумотлардан ўзбек хонликлари давридаги ер-сув муносабатлари тарихи бўйича китоб ва монографиялар, Ўзбекистоннинг янги тарихидан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Диссертацияда жамланган маълумотлар асосида олий ўқув юртларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида хонликлар даври тарихи бўйича махсус курслар ташкил этиш мумкин.

**Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши.** Магистрлик диссертацияси кириш, учта асосий боб, хулоса қисмларидан ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 80 бетдан иборат.



# **I боб. МАВЗУГА ДОИР МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАРИХШУНОСЛИК**

## **1.1. Хонликлар тарихига оид манбалар**

Ўрта Осиё халқларининг XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср биринчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи жуда мураккаб эди. Бу даврда Мовароуннахр ҳудудида Ўрта Осиёдаги феодал тарқоқлигини бартараф этолмаган Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келади. Хали Мовароуннахрнинг улкан кўчманчи туркман ва козоқ уруғлари яшайдиган ҳудудлари мустақил улуслар сифатида яшамоқда эди. Бунинг устига Шаҳрисабз, Китоб, Оролбўйи, Жиззах, Ўратепа, Тошкент, Қоратегин, Дарвоз, Вахон, Шўғиён каби улуслар мустақил феодал ҳукмронлиги ерлари сифатида мавжуд эди.

Бу уччала хонликдан Бухоро хонлиги кучли ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан нисбатан яхши ривожланган эди. Бухоро хонлигининг иқтисодий маркази Самарқанд ва хонлик пойтахти Бухоро бўлган Зарафшон водийси эди.

XVIII аср охирида ўзбек хонликларида ижтимоий меҳнат тақсимооти, кўчманчи уруғларнинг ўтроқлашув жараёни кучаяди. Бу жараён айниқса Зарафшон водийсида XIX асрда кучайди. Абдулкаримнинг (XIX аср боши) кўрсатишича Миёнкол ва Самарқандда кўчманчи ва ўтроқ аҳоли тенг бўлган. Бошқа бир асар муаллифи эса Бухоро хонлигидаги 2,5 миллион аҳолидан 1 миллиони кўчманчи ҳаёт кечиришини ёзади. Абу Тоҳир Хожа “Самария” асарида ёзишича, 1748 йилдан бошлаб Бухоро ҳукумати бу аҳволни тартибга келтириш чораларини кўра бошлади<sup>1</sup>.

Умуман, XVI – XVIII аср биринчи ярми Бухоро хонлиги тарихига оид манбалар ўзининг ранг-баранглиги, кўплиги билан ажралиб турса, XVIII аср охири - XIX аср биринчи ярми тарихий манбаларнинг озлиги билан ажралиб туради. Шунга қарамай, эътиборга лойиқ бир нечта асарлар бор. Улардан бири “Тухфат ул-Хоний” асаридир.

---

<sup>1</sup> Абдураимов М.А. Очерки истории аграрных отношений в Бухарском ханстве (XVI- пер. пол. XIX вв.) Том 1. – Т.: «Фан», 1966. Стр. 23.

“Тухфат ул-Хоний” 1722-1782 йиллардаги Бухоро хонлиги тарихига бағишланган асар бўлиб, XVIII аср Ўрта Осиё тарихнавислигида “Тарихи Рахимхоний” деган ном билан ҳам маълум. Асар муаллифи Охунд Мулла Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зокир Карминавий (1685-1769) ва қаршилик домулло Олимбек Ниёзқулибек эшондир. “Тухфат ул-Хоний” асари шуниси билан қимматлики, унда Бухоро хонлиги халқларининг хўжалик, ижтимоий, сиёсий тарихига оид бой фактик материаллар жамланган. Бу асарда Бухоро хонлиги ҳудудларидаги турли халқлар ва элатлар, кўчманчи уруғлар ҳақида қимматли маълумотлар ўрин олган. Айни пайтда бу асарда хонликнинг хўжалик ишлаб чиқариши, аҳолининг асосий машғулоти, айрим хонлар томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, хонликда узоқ вақт амалда бўлган солиқлар ва уларнинг турлари ҳақида атрофлича маълумотлар келтириб ўтилади<sup>1</sup>.

Бухоро амирлиги даврида яратилган тарихий асарларнинг кўпчилиги ҳукмрон манғитлар сулоласи тарихига бағишланган бўлиб, уларда ўрта аср тарихнавислигидаги анъаналар давом эттирилганини кўрамиз. Амирликда яшаб ўтган зиёли ижодкорлар фаолияти кўп қиррали бўлиб, уларнинг аксарияти тарихий асарлар ҳам ёзиб қолдирганлар. Улар ичида Мулло Ибодулло ва Муҳаммад Шарифларнинг “Тарихи амир Хайдар” ва “Дастони амирони манғит”, Миролим Бухорийнинг “Фатхномаи султоний”, Мирза Абдулазим Сомийнинг “Тарихи салотини манғития”, “Дахмаи шоҳон” каби асарлари, Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақининг “Тожу таворих” асарини, Аҳмад Донишнинг “Манғитлар хонадони ҳукмдорлари тарихидан қисқача рисола” асарини ва Мирзо Содик Муншийнинг “Тарихи силсилоти Манғития” асарларни эслатиб ўтиш мумкин.

Бухоро амирлиги тарихига оид ёзма манбалар ичида “Қушбеги архиви” ҳужжатлари, маҳаллий тилларда, шунингдек, рус ва бошқа тилларда ёзилган тарихий асарлар муҳим ўрин тутади. Маҳаллий тарихчилар асарлари ичида “Тарихи салотини манғития”, “Тухфаи шоҳий”, “Дастони амирони манғит”,

---

<sup>1</sup> Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тархининг тарихшунослигидан лавҳалар (1-қисм). – Т.: “Ўқитувчи”, 1993. 94-95-бетлар.

“Тарихи амири Хайдар”, “Гулшан ал-мулук”, “Рисолаи мухтасари аз тарихи салотини хонадони манғития” (“манғитлар хонадони ҳукмдорлари тарихидан қисқача рисола”) каби бир қанча асарларни айтиб ўтиш мумкин. Уларнинг баъзилари рус тилига таржима қилиниб, нашр этилган. Ушбу ёзма манбаларда Бухоронинг амирлик бошқарув даврига оид ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари ҳам ёритиб ўтилади. Айниқса, бу асарларда амирликнинг алоҳида бекликларидаги ҳўжалик ишлаб чиқариши, ер эгалиги шакллари, айрим туманларнинг давлатла тўлайдиган солиқлари ҳажми ҳақида маълумотлар ўрин олган<sup>1</sup>.

Бухоро амирлиги тарихига оид рус манбалари ичида 1820 йилда Бухорода бўлган Е.К. Мейендорфнинг “Оренбургдан Бухорога саёҳат” номли асарини, 1833 йили Бухорода татар мулласи Мирзо Жаъфар номи билан 4 ой яшаган П.И. Демезоннинг “Бухоро хонлиги ҳақида қайдлар” асарини, 1841 йилда амирликка Бутенов элчилик миссияси таркибида ташриф буюрган ориенталист Н.Ханиковнинг “Бухоро хонлигининг таърифи” асарини айтиб ўтиш мумкин. Ўрта Осиё руслар томонидан истило этилганидан сўнг Бухоро тарихига бағишланган рус тилидаги манбалар сони кўпайиб кетади.

Бухорода XIX аср асрнинг 1-ярмида бўлган инглиз жосуслик хизмати ходимлари Мир Иззатилло ва А.Борнс, шунингдек, А.Вамберининг асарларида ҳам Бухоро амирлиги тарихига оид, хусусан, амирликдаги деҳқончилик вохалари, аҳолининг асосий машулотлари, меҳнат қуроллари ва қишлоқ ҳўжалик экинлари ва уларни етиштириш усулларига доир муҳим кузатишлар ўрин олган.

Қўқон хонлиги тарихига оид манбалар ичида маҳаллий тилларда битилган асарлар, рус элчилари, сайёҳлари, ҳарбийлари томонидан ёзилган ҳисоботлар ҳамда архив ҳужжатлари муҳим ўрин тутати. Қўқон хонлиги тарихи ҳақида маълумотлар берувчи маҳаллий муаллифлар асарлари ичида Миразиз бин Муҳаммад Ризо Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” асари, Отабек Фозил ўғлининг “Муфассал тарихи Фарғона”, Шавқийнинг “Тарихи

---

<sup>1</sup> Сагдуллаев А., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: “Академия”, 2000. 191-192-бетлар.

Шавқий”, Мулла Олим Махдумхожанинг “Тарихи Туркистон” асари, Мулло Мирзо Олим Мулло Раҳим Тошкандийнинг “Ансоб ас-салотин ва товарихи ол-хавоқин” асари ҳамда Исоқхон Жунайдуллохожа ўғли Ибратнинг “Тарихи Фарғона” асари ва бошқалар муҳим тарихий манбалар ҳисобланади.

Хоразм ўзининг анъанавий тарихнавислик мактабига эга ўлкалардан биридир. Хива хонлиги тарихига бағишланган асарларда бу қадимий анъаналар бир қадар сақланганини кўрамиз. Бундай тарихий асарлар ичида шубҳасиз Абулғозихоннинг “Шажараи турк” асари етакчи ўринни эгаллайди. Абулғозихон бу асари ва “Шажараи тарокима” асари билан Хоразм тарихнавислик мактабига асос солган шахсдир. Тарихнависликдаги бу анъаналар кейинчалик Мунис, Огахий ва Муҳаммад Юсуф Баёнийлар томонидан давом эттирилди. Хоразм адабий муҳитининг характерли томони шундаки, бу воҳада яратилган барча тарихий асарлар ўзбек тилида битилган.

XIX аср бошларида Муҳаммад Раҳимхон буйруғи билан сарой тарихчиси, шоир Шермуҳаммад ибн Амир Авазбий (1778-1829 йиллар) Хива хонлиги тарихига бағишланган “Фирдавс ул-иқбол” асарини ёзади. Ўзбек тилида ёзилган бу асар “Иқболнома” номи билан ҳам машҳур. Бу асарда Хива хонлиги тахтида ҳукм сурган хонлар тарихи баён этилган бўлиб, унда Хива хонлиги сиёсий тарихи билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалаларига ҳам кенг ўрин берилган. Хусусан, Хива хонлари томонидан олиб борилган бунёдкорлик ишлари, улар томонидан янги барпо этилган экинзорлар ва ирригация шоҳобчалари ҳақида маълумотлар ўрин олган. Бу асар маълумотлари орқали хонликдаги ер-сув муносабатлари ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш мумкин. Хива хонлигининг XVIII-XIX аср тарихи ҳақидаги қимматли маълумотлар берувчи бу асар кейинчалик Оллоқулихон топшириғи билан Муниснинг жияни Муҳаммад Ризо Огахий томонидан давом эттирилган ва Хива хонлигининг то 1872 йилгача, яъни рус истилочилик юришларига қадар бўлган тарихи билан тўлдирилди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Сагдуллаев А., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: “Академия”, 2000. 249-250-бетлар.

Огахий томонидан яратилган “Зубдат ат-таворих”, “Риёз уд-давла”, “Жомийъ ул-воқеоти султоний” каби тарихий асарларда ҳам Хоразм воҳасининг деҳқончилик соҳасидаги бой тарихий анъаналари, Хива хонлигидаги ер эгалиги муносабатлари масалаларига доир муҳим маълумотлар ўрин олган.

Тошкентлик йирик тарихчи Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” (“Тошкентнинг янги тарихи”) номли асари Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда қимматли ёзма асарлардан бири саналади. Бу асар икки жилддан иборат бўлиб, унинг иккинчи жилдида Фарғонанинг XV аср охиридан то XIX асрнинг 80-йилларигача бўлган ижтимоий-сиёсий тарихи баён этилади. Бу асарда Тошкент шаҳри ва унга қарашли районларнинг географик, иқтисодий ва сиёсий аҳволи, маданий ҳаётига оид қимматли маълумотлар ўрин олган. Айниқса, асарда Тошкент шаҳри ва теваарак атрофларини суғорувчи ариқ ва каналлар, улар орқали экинларга сув тақсимооти, Қўқон хонлиги давридаги тошкентлик машҳур мироббошилар фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар ҳам келтирилган<sup>1</sup>.

XIX асрда яшаб ўтган фарғоналик тарихчи Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарих-и Шоҳруҳий” асари ҳам Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда қимматли манбалардан бири ҳисобланади. Ниёз Муҳаммад Хўқандий таҳминан 1803 йилда Қўқонда йирик ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. У Худоёрхон қўшинида ҳарбий котиб лавозимида хизмат қилган. Унинг “Тарих-и Шоҳруҳий” асари ўзида кўплаб фактик материалларни жамлаганлиги билан машҳурдир. Бу асар Қўқон хонлигининг (1709-1876 йиллар) мукаммал тарихи бўлиб, унда Фарғона ва Қўқон хонлигига қарам бўлган бошқа ўлкаларнинг (Тошкент, Қирғизистон, Қозоғистоннинг жанубий қисми) ижтимоий-сиёсий тарихи баён этилган. Асарда Қўқон хонлигининг Бухоро, Шарқий Туркистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий алоқалари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991. 211-212-бетлар.

<sup>2</sup> Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991. 212-бет.

Асарнинг бизнинг мавзуга оид қимматли томони шундаки, унда Қўқон хонлиги даврида барпо этилган суғориш иншоотлари, айрим хонлар томонидан қаздирилган ариқ ва каналлар ҳақида маълумотлар ўрин олган.

## **1.2. Мавзу тарихшунослиги**

Мавзу тарихшунослик ва манбашунослик таҳлилларига асосланади. Шунга кўра мавжуд адабиётларни улар ёзилган даврларга қараб, бир неча гуруҳларга туркумлаштириш имконияти пайдо бўлди. Улардан биринчи гуруҳга Россия империяси ҳукмронлиги даврида ёзилган асарлар, иккинчи гуруҳга совет даврида яратилган тадқиқотлар, учинчи гуруҳга мустақиллик даврида ёзилган асарлар ва тўртинчи гуруҳга хориж олимлари қаламига мансуб адабиётларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳга оид адабиётлар XIX аср – XX асрнинг бошларида рўй берган тарихий воқеаларнинг бевосита гувоҳлари томонидан яратилганлиги билан ажралиб туради. Уларни мансублигига қараб икки қисмга, яъни ўзбек хонликлари даври тарихнавислик мактаби муаррихлари ва Россия империяси мустамлакачилиги даври тарихчилари берган маълумотларга ажратиш мумкин.

Шу гуруҳга мансуб XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида рус тилида ёзилган Ф.Назаров, Г.Потанин, Н.Северцов, И.Веселовский, М.Венюков, А.Семенов, А.З. Валидий (Тўғон), Ч.Валихонов, В.Вельяминов-Зернов, А.Гейнс, В.Григорьев, М.Галкин, А.Зимин, А.Макшеев, Н.Маллицкий, А.Миддендорф, В.Наливкин, Н.Павлов, Н.Петровский, Н.Пантусов, М.Терентьев ва бошқаларнинг ишларида хонликнинг сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаёти ва унинг халқаро алоқалари ҳақидаги маълумотлар берилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Веселовский Н.И. Прием в России и отпуск Среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях. – Санкт-Петербург, 1884. – С. 23; Венюков М.Н. Поступательное движение России в Средней Азии // Сборник Государственных знаний. Т. III – Санкт-Петербург, 1877. – С. 32; Семенов А. Изучение исторических сведений о Российской внешней торговле, о промышленности с половины XVII-го столетия по 1858 г. Ч. 1-3. – Санкт-Петербург, 1859. – С. 30; Валидов А.З. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // Протоколы Туркестанского Кружка Любителей Археологии. – 1916. – Вып. 2. – С. 68-119; Шу муаллиф. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного Отделения Императорского Русского

Юқорида номлари келтирилган муаллифлар ичида ҳарбийлар, сайёҳ ва географлар, маҳаллий маъмурлар ҳамда олимларни кўриш мумкин. Улардан В.Наливкин, Н.Веселовский, Н.Петровский, Н.Пантусов, В.Вельяминов-Зерновларнинг китоблари хонликлар тарихининг турли қирралари ва масалаларини ўрганиш бўйича бой маълумотларни беради. Жумладан, хонликнинг ташкил топиши, минг сулоласидан чиққан ҳукмдорлар ва уларнинг сиёсати, қўшни давлатлар билан муносабатлар, хонликнинг этник тарихи ҳамда ундаги этник жараёнлар, Россия империясининг хонликка нисбатан олиб борган сиёсати, ҳарбий ҳаракатлари, босқинчилик ва унинг оқибатлари каби масалалар кенг ёритилган. Тарихий ҳақиқат шундан сабоқ берадики, мустамлакачилар қарам халқнинг ўтмишини камситишга ва ўзларининг илмий-маданий салоҳият жиҳатидан устунликларини омма онига сингдириб бориш орқали олиб борган сиёсатларининг устуворлигини таъминлашга интиланлар. Биринчи гуруҳ адабиётларининг бу жиҳати мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихчилари томонидан яратилган илмий адабиётларда кўрсатиб ўтилди.

Совет даврида ҳам мазкур мавзуга оид қатор илмий адабиётлар яратилди, ана шулар иккинчи гуруҳни ташкил қилади. Бироқ уларнинг асосий қисмида хонлик тарихи, ундаги сиёсий – иқтисодий ва маданий жараёнлар шу даврдаги ҳукмрон марксча-ленинча мафкура ғоялари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёритилган. Энг асосийси, Россия империясининг босқинчилик сиёсати бир ёқлама, ноҳолис таҳлил қилинган. Бунга асосий сабаб бу даврда тарихий ҳақиқатни билишга рағбат

---

Археологического Общества. Т. XXII. – Пг., 1915. – С. 86-109; Вельяминов-Зернов В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммада-Али до Худаярхана // Записки Восточного Отделения Российского Археологического Общества. Ч. IV. – Санкт-Петербург., 1859. – С. 329-370; Шу муаллиф. Сведения о Кокандском ханстве // Вестник Имперского Русского Географического Общества. Отд. оттиск, 1856. – С. 328-456; Макшеев А. Показания сибирских казаков Милюшина и Баторошкина бывших в плену у кокандцев с 1849 по 1852 год // Вестник Русского Географического Общества. Отд. оттиск, 1856. – С. 21; Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины / Перевод с немецкого В.И. Ковалевского. – Санкт-Петербург, 1872. – 604 с.; Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – 215 с.; Павлов Н.Г. История Туркестана в связи с кратким историческим очерком сопредельных стран. – Ташкент, 1910. – 128 с.; Петровский Н. Очерки Кокандского ханства // Вестник Европы. – 1875. – Кн. 10. – С. 722-757; Пантусов Н. О податях и повинностях существовавших в бывшем Кокандском ханстве в последнее время правления Худаярхана // Туркестанские Ведомости. – 1876; Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии с картами и планами. Т. I-III. – Санкт-Петербург, 1906. ва бошқалар.

кўрсатилмаган, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борица йироқ сақланган, тарихий шахслар ҳақида фақат субъектив фикрлар айтилган ёки улар ҳақида ҳеч нарса гапирилмаган. Бу ҳолат иккинчи гуруҳга мансуб адабиётлардаги кўпчилик маълумотлар ва хулосаларга ҳам танқидий нуктаи назардан баҳо бериш ва таҳлил этишни тақозо этади.

Бу давр тадқиқотлари орасидан С.Жалилов, Х.Иноятов, П.Иванов, М.Кутлугов, Н.Халфин, В.Плоских, Ҳ.Зиёев, Е. Ҳожиев, Л.Мирзаева, Р.Набиев<sup>1</sup>ларнинг асарларида Қўқон хонлиги тарихининг баъзи томонлари самарали ўрганилди. Уларда XIX асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихини ўрганиш мақсад қилиб қўйилмаган бўлса-да, ушбу мавзунинг баъзи масалалари бўйича айрим маълумотлар мавжуд.

Р.Набиевнинг тадқиқоти бевосита Қўқон хонлиги тарихи, унинг ҳўжалик ҳаётига бағишланган бўлиб, унинг аҳамияти бекиёсдир<sup>2</sup>. Олимнинг «Из истории Кокандского ханства. (Феодальное хозяйство Худояр-хана)» номли асари бугунги кунгача мукаммал даражада ишланган фундаментал тадқиқот сифатидан ажралиб туради. Мазкур асар архив ва маҳаллий манбалар маълумотлари асосида яратилган. Унда кўтарилган кўпгина мавзулар ва баъзи масалаларнинг таҳлили ҳозирги кунгача ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Р.Набиев ўз тадқиқотларида Санкт-Петербургдаги Салтыков-Щедрин кутубхонаси, Қозон университети, Оренбург, Уфа, Астрахан архивлари, Ўзбекистон Марказий давлат архивидаги маълумотлардан фойдаланган, уларни илмий муомалага

---

<sup>1</sup> Жалилов С. Из истории освоения земель восточных районов Ферганской долины в XIX – начале XX века: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1965. – 47 с.; Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. XVI-сер. XIX в. – Москва: Восточной литература, 1958. – 247 с.; Плоских В.М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе: Илим, 1977. – 368 с.; Зиёев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI-XIX асрлар). – Тошкент: Фан, 1962. – 340 б.; Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. (Феодальное хозяйство Худояр-хана.) – Ташкент: Фан, 1973. – 388 с.

<sup>2</sup>Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. (Феодальное хозяйство Худояр-хана.) – Ташкент: Фан, 1973. – 388 с.



киритган. Ушбу асарлардан тегишли хулосалар чиқариш асосида<sup>1</sup>, Ўзбекистон тарихининг ҳаққонийлигини таъминлаб берадиган жиҳатларини танлаб олиб, уларни давом эттириш ҳамда ижодий имкониятларни очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Хива хонлигининг тадқиқ этилаётган даврдаги тарихига у ёки бу даражада дахлдор бўлган барча адабиётларни хронологик, ҳудудий ва методологик тамойиллар асосида тўрт гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга европалик тадқиқотчиларнинг, асосан, XVI–XX аср бошларида хонликка келиб кетган россиялик сайёҳлар, савдогарлар, ҳарбийлар ва бошқа шахсларнинг ишлари киради. XVI асрдан бошлаб Европа давлатлари ҳукмрон доираларининг Марказий Осиё минтақаси давлатларига қизиқишининг ошганлиги кузатилади. Бу йўналишда, айниқса, минтақага ҳам бевосита, ҳам билвосита кириб келишга бир неча марта уринган, ахборот тўплашга интилган Россия империяси ҳукмрон доиралари фаоллик ва изчиллик кўрсатдилар. Натижада Хива хонлигининг жуғрофий ҳолати, маъмурий тузилиши, аҳолисининг табиати ва турмуш тарзи ҳамда минтақадаги йирик шаҳарлар тўғрисида умумий тасаввурлар берувчи бир қатор ишлар пайдо бўлди<sup>2</sup>.

Тадқиқ этилган мавзу доирасида мазкур минтақанинг энг қадимги замонлардан ҳозирги давргача бўлган тарихининг энг муҳим босқичларини ёритишга бағишланган ва муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган “Хоразм тарихи” монографиясини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш зарур. Ушбу иш ҳозирга қадар мазкур минтақанинг энг қадимги замонлардан XX асрнинг учинчи чорагигача бўлган тарихининг энг муҳим босқичларини қамраб олган ягона тадқиқот бўлиб қолмоқда.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Набиев Р.Н. Новые документальные материалы к изучению феодального института “суюргал” в Фергане XVI-XVII вв. // Известия АН УзССР. Серия общественных наук. – Ташкент, 1959. – № 4. – С. 23-32; Шу муаллиф. Из истории феодального землевладения в Фергане в XVI-XVII вв. // Известия АН УзССР. Серия общественных наук. – Ташкент, 1960. – № 3. – С. 25-34; Шу муаллиф. Источники по истории крепостного права в Средней Азии // Археографический ежегодник. – М., 1964. – С. 87-105.

<sup>2</sup> Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского Генерального Штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сию страну для переговоров. – М., 1822. Ч. I. – 179 с.; Ч. II. – 144 с.; Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // Записки Русского географического общества. Кн. 5. – СПб., 1851. – С. 62-140; Путевые заметки майора Бланкеннагеля в Хиву в 1793–1794 гг. // Вестник Императорского Русского географического общества. Ч. 22. – СПб., 1858. – С. 87-116.

Кўриб чиқиладиган тарихшунослик даври нашр этилган ишлар миқдорининг кўплиги билан ажралиб туради. Уларда нарратив ва ҳужжатли характердаги энг муҳим манбалар, шу жумладан, Хива хонлигининг сўнгги ўрта аср даври тарихи масалаларига дахлдор манбалар тавсифлаб берилган. Бундай ишлар жумласига П.П. Иванов, М.Й. Йўлдошев, Д.Ю.Юсупова, Ф. Рубинштейннинг тадқиқотларини, “XIX аср Хива давлат ҳужжатлари” номли Хива хонлари архивининг ҳужжатлар тўпламини, шунингдек, Хива хонлиги ҳудудида яшовчи ёки Хива билан яқин алоқада бўлиб келган айрим этник гуруҳлар тарихига оид материалларни киритиш мумкин<sup>1</sup>. Умуман олганда, совет даври адабиётини таҳлил қилиш мазкур вақтда кўплаб қимматли ишлар нашр этилганлиги ҳақида ҳулоса чиқариш имконини беради.

Учинчи гуруҳни Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида яратилган асарлар ва илмий тадқиқотлар ташкил этади<sup>2</sup>. Бу илмий тадқиқот ишларида Ўзбекистон тарихининг турли давлари қаторида ўзбек хонликлари даври тарихи ҳам ҳолисона ёритиб ўтилган. Уларда воқеа-ҳодисаларга бирмунча объектив баҳо берилган, илгариги тадқиқотларда соҳталаштирилган ёки атайин ёритилмай кетган масалалар манбалар асосида талқин этилган. Бу асарларда хонликлардаги ишлаб чиқариш муносабатлари, жумладан, ер ва сувдан фойдаланиш, хонликлардаги деҳқончилик ишлари, сунъий суғориш билан боғлиқ масалалар атрофлича ёритиб ўтилган.

Ҳ.Бобобековнинг илмий ишларида Қўқон хонлиги тарихи Россия

---

<sup>1</sup> История Хорезма с древнейших времён до наших дней / Под редакцией И. Муминова. – Ташкент: Фан, 1976. – 316 с. Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. – Л., 1940. – 289 с. 14 Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959. Юсупова Д.Ю. Сведения Бухарского нагиба Сайид Ахмада Ходжи о Хивинском ханстве середины XIX в. // Труды молодых ученых и аспирантов Института востоковедения АН УзССР. Ч. 2. – Ташкент, 1969. Рубинштейн Ф. Несколько хивинских актов. Материалы к истории Хивы полукOLONиального периода //Известия АН УзССР. – Ташкент, 1951. – № 2. XIX аср Хива давлат ҳужжатлари / Масъул муҳаррир М. Йўлдошев.. – Тошкент: Фан, 1960. Т. 2.

<sup>2</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-2 жилдлар. – Т.: “Фан”, 1991-1992; Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994; Сағдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: “Академия”, 2000; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: “Шарқ”, 2001; Бобобеков Х.Н. Қўқон тарихи. – Т.: “Фан”, 1996; Хоразм тарихи. 1-жилд. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. – Урганч: 1997; Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган: 1994; Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи. – Т.: “Шарқ”, 2004; Р.Муртазаева ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001; Худойкулов Т.Д. XIX асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. – Т.: “Тафаккур”, 2010; Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: «Янги аср авлоди», 2012.

матбуоти материаллари асосида ёритилган бўлиб, олим ўтган асрнинг 80-90 йилларида хонлик тарихини янгича илмий нуқтаи назар асосида холис ўрганилиши кераклигини ёқлаб чиққан. У биринчилардан бўлиб хонликдаги халқ ҳаракатларини ўрганиб, уларнинг мустамлакачиликка қарши кураш эканини асослаб берган. Унинг асарлари ўрганилаётган мавзунини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Демак, ўзбек хонликларининг Россия билан иқтисодий ва элчилик муносабатлари проблема сифатида махсус ўрганил-маган ва бу ҳақда йирик асарлар яратилмаган. Шунингдек, хонликларнинг Шарқ мамлакатлари билан алоқаси ўрганилмаган. Бу ҳол, шубҳасиз, баъзи тарихчиларга республикаимиз тарихи ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш имконини бермади. Натижада айрим асарларда ва мақолаларда ватанчимизнинг ўтмиши шу даражада камситилиб бериладики, гўё Ўрта Осиё халқлари ўта кетган қолоқ, маданиятсиз бўлган эмиш. Тўғри, ўзарофеодал урушлари натижасида оғир вазият ҳукм суриб, меҳнаткаш омма жуда қийналган ва ишлаб чиқариш кучлари мунтазам равишда ривожлана олмаган. Лекин, шунга қарамай, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразм ва бошқа шаҳарлар фақат маҳаллий эҳтиёж учунгина эмас, балки ташқи бозорга ҳам кўплаб мол етказиб берган. Шу-янингдек, маданий мерослар имкон бориचा сақланиб, озми-кўпми такомиллашиб борган.

Шуни айтиш керакки, Ўрта Осиё халқлари жуда оғир шароитларда ҳам чет мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни давом эттирди. Улар, айниқса, Россия халқлари билан қизғин ва самарали алоқада бўлиб келдилар. Шу алоқани ўрганиш Ўрта Осиё тарихини анча тўлдиради ва шаҳарларнинг ривожланиш жараёнини ойдинлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, у Ўрта Осиё халқлари-нинг рус, украин, татар, бошқирд ва бошқа халқлар билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини, унинг шаклланишини кўрсатиш имконини беради.

Бу масаланинг ёритилиши натижасида Ўрта Осиё халқлари билан

русларнинг бир-бирларига яқинлашиб боргани ва улар ўртасида дўстлик алоқаларининг ўрнатилишига за-мин ҳозирлангани маълум бўлади. Ниҳоят, кўрилаётган масаланинг ўрганилиши чор ҳукуматининг Ўрта Осиёни босиб олиш заминларини кўрсатиб беради. Чунки рус давлати иқ-тисодий ва элчилик муносабатларини кучайтириш йўли би-лан Ўрта Осиёда ўз таъсирини ўтказиш ва у ерга суқулиб кириш сиёсатини қўллади. Чунончи, чор ҳукумати савдо кар-вонларини кўриқлаш, Ўрта Осиё билан савдони кучайтириш ва, шунингдек, чегара хавфсизлигини таъминлаш байроғи остида Оренбург, Семиалатинск, Петропавловск, Усть-Каме-ногорск ва шунга ўхшаш қалъалар қуриб, территория жихати-дан Ўрта Осиёнинг ўтроқ районларига тобора яқинлашиб борди. Ҳарбий гарнизонлари бўлган бу жойларда Ўрта Осиё савдосини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилиши билан бир қаторда, ўзбек хонликларининг иқти-содий, сиёсий ва ҳарбий аҳволи ўрганилди.

## **II БОБ. ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТИ**

### **2.1. Хонликлар ҳудуди ва аҳолининг асосий машғулоти**

Ўзбек хонликлари ичида Бухоро хонлиги катта ҳудудга эга бўлиб, шимолда Туркистон шаҳри атрофидаги козов даштлари билан, Қўқон хонлигига қарашли ерлар ҳамда Бўкан тоғлари билан, ғарбий қисми эса Қизилқум билан туташган эди. Шарқий томони асосан тоғликдан – Оқтов, Қоратов ва Шаҳрисабз тоғлари билан ўралган эди. Шимоли-шарқдан Ўратепа орқали Қўқон хонлиги ерлари билан, жануб ва жануби-ғарб томондан Балх, Андхой, Маймана, Эрон ва Хивага қарашли ерлар билан чегарадош, ғарбдан эса Қорақум билан туташган эди.

Умуман, Бухоро Ўрта Осиёда 5 600 квадрат миля майдонни эгаллаб, бундан 500 - 600 квадрат миля жойда аҳоли яшарди, қолган ерлар сувсиз, дашт ва қумликдан иборат бўлган<sup>1</sup>.

Хива хонлиги шимолдан Сирдарёнинг қуйи оқими, яъни Орол бўйи ерлари орқали Қўқон хонлиги билан ва Россияга қарашли Сибирь билан чегарадош эди. Шарқдан – Қизилқум орқали Бухоро билан, жанубдан – Хуросон тоғлари, жануби-ғарб томондан – Эрон давлатига қарашли кўчманчи туркман уруғлари бўлган Яҳуд ва Чаклан ерлари, ғарбий томондан Каспий денгизининг шарқий қирғоқлари билан туташган эди.

Қўқон хонлигининг чегараси Умархон даврида (1809-1822 йиллар) Туркистон шаҳригача кенгая борди, яъни хонлик Бухорога қарашли бу ерларни ҳам босиб олган эди. Тошкент, Чимкент, Сайрам ва Туркистон шаҳарлари хонликнинг қўл остида эди. Мадалихон даврида (1822-1842) Қўқон хонлиги ўз ҳудудларини кенгайтириш сиёсатини давом эттириб, қисқа муддат ичида унинг чегараси шимол томонда рус ерлари ҳисобланган Сибирь билан туташди. Қўқон хонлиги Сирдарёнинг қуйи оқимида ҳам қалъа ва шаҳарлар барпо этади. Жумладан, Оқмачит кўрғонидан 45 чақирим пастда, Сирдарё бўйида Жонқўрғон, бундан 160 чақирим нарида эса мудофаа

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1956. 375-376-бетлар.

аҳамиятига эга бўлган Қўмискўрғон қурилган эди.

Тошкент билан Россия ўртасидаги йўللarda Сўзok, Чўлоккўрғон ва Чуй дарёси атрофлари эгалланиб, бу жойларда ҳам турли мудофаа кўрғонлари юзага келтирилган эди.

Қўқон хонлиги ўзининг шимолий чегарасини қозoқ ерлари ҳисoбига кенгайтириб, юқорида кўрсатилган ҳарбий кўрғон ва шаҳарларга Фарғона водийсидан ҳамда Тошкент атрофларидан деҳқонлар ва хунармандларни кўчириб боради. Шу билан бирга, ўша кўрғонларга бир қанча ҳарбий кучлар чегара соқчилари қилиб жойлаштирилади.

Қўқон хонлари бу билангина чекланиб қолмасдан, жанубий чегарани Бухоро ҳисoбига кенгайтириш сиёсатини олиб борди. XIX асрнинг 30-йилларида Мадалихон Қоратегин, Дарвоз, Шуғнон бекликларини ҳам хонликка қўшиб олди. Мадалихон шу тоғли районларда Қоратегиннинг энг катта шаҳари ҳисобланган Қалайи-Хумда ҳарбий мудофаа қалъаларини бино қилдирди<sup>1</sup>.

Қўқон хонлигининг ғарбий чегараси Сирдарёнинг қуйи oқими ва Мирзачўл орқали Хива билан туташган эди. Хонлик ғарбдан Бухоро билан ҳам чегарадош эди. Бухоро чегарасидаги Ўратепа, Ём ва Зомин шаҳарлари Қўқон хонлигига қарашли бўлиб, бу ерларда ҳам ҳарбий қалъалар қурилди ва кучли ҳарбий гарнизонлар ташкил қилинди. Хўжанд ва Қарoқчиқумда ҳарбий қалъалар бунёдга келтирилиб, бу жойларда ҳам ҳарбий кучлар сақланадиган бўлди.

Ўзбек хонликлари ўзбек, тожик, қоракалпоқ, қозoқ ва қирғизлардан ташкил топган эди. Ўзбеклар хонликлардаги шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилиб, мамлакат ҳаётида муҳим ўринни эгаллаган эди.

Қўқон хонлиги ерларидаги қоракалпоқларнинг кўчманчи қисми чорвачилик билан, ўтроқлашган қисми эса қишлоқ хўжалиги билан шуғулланарди. Улар, асосан Фарғона водийсининг ўрта қисмида, яъни Қўқон, Наманган, Андижон, Ўш ва Марғилон районларида жойлашган

---

<sup>1</sup> Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган: 1994. 47-бет.

эдилар. Маълумотларга кўра, Марказий Фарғона атрофида ҳам қорақалпоқ қишлоқлари бўлган. Масалан, Қўқон билан Наманган оралиғидаги қорақалпоқ қишлоқлари бу фикрнинг ёрқин далилидир. Шунингдек, Бухоро хонлигига қарашли ерларда, Ўрта Зарафшонда, Амударёнинг Бухорога қарашли соҳилида ҳам қорақалпоқларни учратиш мумкин эди. Лекин қорақалпоқларнинг энг кўп қисми Хива хонлигига қарашли ерларда жойлашган эди<sup>1</sup>.

1819 йилда Хивада бўлган Н. Муравьёвнинг кўрсатишича, хонликка қарашли ерлардаги қорақалпоқларнинг сони 100 минг кишини ташкил этган. Ф. Базинернинг (XIX асрнинг биринчи ярми) айтишича, Хива хонлиги ерларида яшаган қорақалпоқлар 8-10 минг хонадон бўлган. Бу хўжаликларнинг ҳар бирида ўрта ҳисобда 5 кишидан яшаган деб фарз этилса, қорақалпоқлар сони 40-50 минг кишига тўғри келади<sup>2</sup>.

Қорақалпоқлар Хива хонлигининг шимоли ва жануби-ғарбида, Орол денгизининг жанубий соҳилида, Амударё этагида, Қўнғирот атрофларида, Хўжайли, Манғит ва Қипчоқ томонларда ва бир қисми Амударёнинг ўнг қирғоғида, Довқора кўли атрофларида яшаган. Улар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар.

Хива хонлигига қарашли ерларда қозоқларнинг табин, адаев ва чикдин деган уруғлари бўлган. Табин уруғи Орол денгизининг ғарбий бўйларида, Амударё қаршисидаги Тўқмоқота кўли ерларида, хонликнинг шимол томонидаги баъзи бир шаҳарлар атрофида кўчманчи ҳолда яшаган. Адаев уруғлари эса Бўзачи ярим оролидаги ерларда истиқомат қилганлар. Кўп сонли чикдин уруғи Довқора кўлида, Шайхжалил агрофларида, Орол денгизининг шарқий соҳилида ва Сирдарё этакларида кўчманчи бўлиб кун кечирганлар<sup>3</sup>.

Қозоқлар Бухоро хонлиги фуқаролигида ҳам бўлган. Улар шимол томондаги қўриқ ерларда, Хатирчи, Нурота, Кўлоб, Балжувон, Жиззах,

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи (XVI-XX аср бошлари). Иккинчи китоб. – Т.: “Шарқ”, 2010. 115-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1956. 382-бет.

<sup>3</sup> Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2012. 383-бет.

Конимех ва Каттақўрғон бекликларига қарашли кенг яйловларда кўчманчи ҳолда яшаб, чорвачилик билан шуғулланган.

Қўқон хонлиги фуқаролигидаги қozoқлар Тошкент атрофидаги чўллардан то Чуй дарёсигача чўзилиб кетган, яъни Сирдарёнинг Қўқон хонлигига қарашли қуйи оқимидаги яйлов ерларда чорвачилик билан шуғулланиб, кўчманчи ҳолда яшаганлар. Лекин Чуй ва Сирдарё бўйларидаги қozoқларнинг бир қисми деҳқончилик ҳам қилган.

Фарғона водийсидаги қирғизлар қoraқирғизлар деб юритилган. Улар Олатовда ва Булуттовнинг шарқий томонларидаги ерларда кўчманчилик билан ҳаёт кечирганлар. Қирғизлар Қўқон хонлигига қарашли Фарғона водийсининг жануби-шарқий ва шимоли-шарқий томонларида, яъни Қoшғарга ўтадиган ерларда ҳам яшаганлар. Шунингдек, Фарғона водийсининг жанубий қисмида, Исиккўл атрофларида 300 минггача кўчманчи қирғизлар бўлиб, уларнинг аксарияти чорвачилик билан, оз қисми эса деҳқончилик билан шуғулланишган.

Тожиқлар Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида қарашли ерларда истиқомат қилишган. Уларнинг бир қисми ўтrockлашиб деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи тожиқлар эса чорвачилик ҳамда қисман деҳқончилик билан шуғулланар эдилар. XIX аср ўрталарида барча ўзбек хонликларида яшаган тожиқлар 1 миллион 600 минг кишидан иборат бўлиб, шундан бир миллиони кўчманчилик билан ҳаёт кечирган. Уларнинг энг кўп қисми (650 мингга яқини) Бухоро хонлиги ҳудудига тўғри келарди<sup>1</sup>. Шундай қилиб, тожиқлар сон жиҳатидан ўзбеклардан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган.

Тожиқлар қисман айрим шаҳарларда – Панжикентда, Душанбеда ва Вахш дарёси бўйларида, хонлиқларнинг шарқи-жанубий қисмида, Афғонистон билан чегарадош ерларда, Дарвоз, Қоратегин, Кўлоб, Балжувон, Қабодиён ва Яккабоғ бекликларида, Зарафшоннинг юқори қисмида, яъни Фалгар, Масчо, Яккатут ва Фан бекликларида, Кауфут ва Мағионда

---

<sup>1</sup> Соатов С.С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”. 1973. 45-бет.



истиқомат қилганлар.

Фарғона водийсида тожиклар, асосан Ўратепа, Хўжанд, Конибодом, Исфара, Қоратегин, Сўх ва Риштонда жойлашган эдилар.

Туркманлар Каспий денгизининг шарқий соҳилидан то Амударёгача чўзилиб кетган ерларда ўрнашган бўлиб, кўчманчи ҳаёт кечиран эдилар. Хива хонлигига қарашли ерларда туркманларнинг Човдор – Есенали қабиласи, асосан, Манғишлоқда, бир қисми эса Хива хонлиги ичкарисида кўчманчи ҳолда яшар эди. Туркманларнинг Ата деган уруғи Питнак шаҳрининг жануб томонидаги қадимги шаҳарлардан ҳисобланган Дарған шаҳри атрофларида жойлашиб, Амударё бўйидаги ерларда кўчманчи ҳолда яшаб, фақат чорвачилик билан шуғулланган.

Хонликнинг жанубий қисмида Така, Салор, Ерсари, Пенжи, Арбача ва Ходас деган кўп сонли туркман уруғлари бўлиб, улар асосан, Марв, Юлатан ва Панжо томонларида яшаганлар. Уларнинг сони 40 минг кишидан иборат бўлган. Туркман уруғларидан бир қисми Хўжачуқурхон ва Ўразхон бошчилигида Сарахс томонларига ҳам кўчиб, улар ҳам Хива хонига итоат қилар эдилар. Улар Марв атрофида ва Тажан дарёси бўйида яшаб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Шу уруғлардан бир қисми, айниқса така ва ахалтака уруғлари Хуросон тоғларидан Атрек дарёсининг юқори қисмига ва гоклен уруғлари жойлашган ерларгача, шунингдек, Эронга тобе бўлган ёвмудлар еригача бориб ўрнашган. Бу уруғлар Хива хонига гоҳ бўйсуниб, гоҳ бўйсунмасдан яшарди. Туркманларнинг бу уруғлари тоғлардан оққан кичик сойлар бўйида деҳқончилик билан шуғулланиб, кўпинча дон экардилар. Шу билан бирга, уларнинг ҳаётида қўйчилик ва туячилик катта ўрин тутган.

Хива хонлигига қарашли туркманлар сони ҳақида турли манбаларда ҳар хил маълумотлар келтирилади. Масалан, 1819-20 йилларда Н.Муравьёв берган маълумотда улар 10-11 минг киши, деб кўрсатилган, баъзиларда эса 5-7 минг хўжалик, яъни 25-35 минг киши деб уқтириб ўтилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2012. 384-бет.

Умуман, юқорида кўрсатилган хўжаликлар сонига асосланиб, Хива хонлигидаги туркманларни қарийб 200 минг кишидан иборат бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

Бухоро хонлигидаги туркманларнинг асосий қисми Амударё бўйларида ва Хива билан Бухоро чегараларида жойлашган эди.

Туркманларнинг кўпчилик қисми кўчманчи бўлиб, чорвачилик, хунармандчилик ва ғаллакорлик билан, ўтроқлашган қисми эса қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланган.

Ўзбек хонликларида яхудийлар, уйғурлар, араблар, эронлар, руслар ва татарлар ҳам яшардилар. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида фақат Қўқон шаҳрининг ўзидагина Россиядан қочиб келган рус ва татарлар сони юз кишидан ортиқ эди. Бундай қочоқларни Тошкентда ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида, айниқса Бухорода кўпроқ учратиш мумкин эди. Ҳатто амирлар Россиядан қочиб келган бундай кишиларни яхши кутиб олишлари билан бирга, уларга ер, уй-жой ва пул ёрдами бериб, уларни ҳимоя қилардилар. Чунки Россиядан келган қочоқлар, шу жумладан, рус асирлари хон армиясига ҳарбий қурул-яроғ, айниқса тўплар ишлаб чиқариш учун зарур эди.

Татарларнинг Ўрта Осиёга келиш сабабларидан бири туркистонлик бир қанча савдогарлар Россияга борганларида татар қизларига уйланганлар. Демак, татарларнинг Ўрта Осиёга келиб ўрнашишларида оилавий муносабатлар ҳам муҳим бир омил бўлиб қолган, бир қанча татарлар ўқиш учун Ўрта Осиё шаҳарларига, айниқса Бухоро мадрасаларига келар эдилар.

Шундай қилиб, юқоридаги иқтисодий ва сиёсий сабаблар натижасида Мовароуннаҳр ерларига келиб қолган татарлар савдо-сотик ва хунармандчилик ишлари билан шуғулланишган. Ўрта Осиёдаги катта шаҳарларнинг деярли ҳаммаси татарларнинг «нўғай маҳалла» деб аталмиш маҳаллалари бўлган.

1756-1758 йилларда Хитой босқинчилари Қошғарни босиб олиб, у ерда талончилик сиёсатини тута бошлаган эдилар. XIX асрнинг бошларида Хитой

амалдорларининг жабр-зулми янада кучаяди. Шу сабабли Қошғар халқлари Мовароуннахр ерларига тобора кўпроқ кўчиб ўта бошлаганлар. XIX асрнинг 40-йиллари бошларида қашғарликларнинг Фарғона водийсига айниқса, Андижон атрофларига кўчиб келишлари кучайган.

## **2.2. Қишлоқ хўжалиги ва ер эгалиги муносабатлари**

Ўрта Осиё хонликларида хўжаликнинг асосини суғориб дехқончилик қилиш ва баҳорикор ерларга экин экиш ташкил этар эди. Дехқонлар ва хунармандлар маҳсулотларни ўзаро алиштиришдан ташқари, кўчманчи чорвадорлар билан ҳам қадимдан улардан ҳайвон, тери, жун олиб, уларга дон ва мато етказиб берар эдилар. Узоқ вақтлардан бери меҳнатнинг бундай тақсимланиши хўжаликнинг ҳамма тармоқларини кучайтиришга, товар-пул муносабатларини ривожлантиришга ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида йирик шаҳарларнинг вужудга келишига олиб келди.

Ирригация тизимларини куриш ва сақлаш, ариқларни лойқадан тозалаш, содда тўғон ва кўтармаларни таъмир қилиш учун ҳар йили кўп меҳнат сарф этилар эди. Айниқса Хоразмда кўп меҳнат талаб қилар эди, чунки бу ерга Амударё ўз суви билан бирга кўп миқдорда суғориш тармоқларини тўлдириб кўювчи қум ва лойқа оқизиб келарди. Хоразмда суғориш яна шу билан фарқ қилар эдики, бу ерда сув жуда чуқур ўзанлардан оқади, кўпчилик ҳолларда от, туя, эшак кучи билан ҳаракатга келадиган содда сув кўтаргич – чиғириқлар ёрдами билан сувни дала бетдага кўтаришга тўғри келар эди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёни ва меҳнат қуроли неча асрлар давомида жуда оз ўзгарди. Баҳорги суғоришдан кейин ерни узунасига, кўндалангига ва маълум оралиқ қолдириб диагональ бўйича қайта-қайта ҳайдар эдилар. Ерни ҳўкиз, сигир ва от қўшиб, баъзан туя қўшиб ҳайдалар эди. Қадимги ёғоч омоч ҳайдаш қуроли эди. Омоч ерни ағдариб ҳайдамай, фақат юмшатар эди, холос. Бир неча минг йиллар давомида бу қуролни мукаммаллаштириш иши унга чўян ёки темир сўқа ўрнатишдан иборат бўлди.

Кўп иш кучи сарф этишга қарамай, бари бир омоч ерни етарли юмшата олмас эди. Шунга кўра экишдан олдин ерни 6-9 марта қайта ҳайдашга тўғри келар эди. Омоч ёрдами билан ҳайдалган ерни маҳаллий ёғоч мола ёки ётқизиб қўйилган омоч билан текислар эдилар. Ерни гўнг билан қум аралаштириб, бузилган девор тупроқлари, ўсимликлар пояси (шоли экканда) билан ўғитлар эдилар. Ҳосилни ўриб-йиғиб олиш иши қўлда, ўроқ ёрдами билан бажарилар эди. Дон ҳайвон ёрдами билан янчилар, буғдой эса сув тегирмонларида, ҳайвон кучи билан ишлайдиган тегирмонларда, баъзи ерларда эса қўл тегирмонларида тортар эдилар<sup>1</sup>.

Полиз, боғ, сабзавот ва ғўза экиладиган ерларда, шунингдек, ариқларни тозалашда кетмон асосий қурол бўлиб хизмат қилган. Хоразмда белкурак кенг қўлланилган.

Ўрта Осиё деҳқонлари ерни қунт билан ишлаб, пахта, шоли, жўхори, тарик, арпа, беда етиштирганлар. Замондошлар XVIII асрдаёқ боғдорчилик ва полизчиликнинг ҳам кенг ривожланиши, мева ва сабзавотларнинг турли-туманлигини, ажойиб амалий малакани ва аҳолининг деҳқончилик ишларига меҳр қўйганликларини қайд қилиб ўтганлар<sup>2</sup>.

XVIII асрнинг охирлари - XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё хонликларида деҳқончиликнинг ривожланиши ва айрим туманлар ўртасида маҳсулот айирбошлаш учун анча қулай шароит вужудга келди. Қозоғистоннинг Россияга қўшилиши карвон савдосининг кескин ўсишига олиб келди. Бунда Ўрта Осиёдан Россияга фақат ҳунармандчилик буюмларинигина эмас, шунингдек, деҳқончилик, айниқса пахтачилик маҳсулотларини ҳам олиб кетилар эди. Баъзи бир воҳаларда канал бўйлаб чўзилиб кетган дала ва боғлар суғорилмайдиган хўжалик шароитида хаёлга келтириб бўлмас даражада мўл ҳосил берган.

Турли-туман сабзавот, мева ва полиз ўсимликлари – пиёз, сабзи, бодринг, қовоқ, тарвуз, олма, олхўри, бодом, анжир, олча, нок, анор,

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик). Профессор Р.Ҳ. Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. 335-бет.

<sup>2</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: “Шарқ”. 2001. 293-бет.

шафтоли, ўрик, кўп сонли ва ажойиб навли узумлар хонликларда муваффақият билан ўстирилган.

XVIII - XIX асрлар манбалари техника экинларидан пахта, тамаки, бўёк ўсимликлари экилганини қайд қилади. Ипакчилик ҳам ҳамма жойда ривожланган. Ғўзани ўз эҳтиёжлари учун ва сотиш учун деярлик ҳар бир деҳқон хўжалиги азалдан экиб келган. «Пахтани ҳамма ва ҳамма ерда ўстиради», - ёзган эди Н. Хаников<sup>1</sup>. XIX асрнинг ўрталарида Бухоро, Фарғона, Шаҳрисабз, Янги Урганч ва Каттақўрғон пахтачиликнинг, Самарқанд области (Миёнкол водийси) шолининг, Қарши ва Каттақўрғон тамакининг, Хива хонлиги рўян ва бошқа бўёк ўсимликларининг, Хазорасп, Марғилон ва Каттақўрғон ипакчиликнинг асосий марказлари эди. Жўхори етиштириш ҳам кенг тарқалган бўлиб, у ҳайвонлар ем-хашаги ва шаҳар ҳамда қишлоқлардаги камбағалларнинг асосий овқати эди.

Кўчманчи чорвачилик районларида думбали қўйлар ва қорақўл қўйлари кўплаб боқилар эди. Қорақалпоғистонда қорамол, туркманларда қўй, туя. ва отлар кўп боқилар эди. Чорвачилик маҳсулотлари (жун, тери, гўшт, сут ва бошқалар) кўчманчиларнинг ўз ярим натурал хўжалигида ишлатилар, бир қисми эса ғалла ва газламага айирбошланар эди. Кўчманчи қабилаларнинг хотин-қизлари кигиз, чакмон учун жунни қайта ишлаш билан шуғулланиб, кигиз қалпоқ, арқон, палослар тайёрлаганлар, моҳирлик билан гиламлар тўқиганлар. XVIII асрдаёқ Эронга, Россияга, Ғарбий Европага жуда кўп миқдорда қорақўл чиқарилган<sup>2</sup>.

Ўрта Осиёда ҳайвонларга ем-хашак учун кўп йиллик ўтлар, яъни беда экиш қадимдан ривожланган эди. Баъзи йилларда ёз давомида бедани 4-5 марталаб ўриб олар эдилар.

Суғориладиган ерларнинг камлиги туфайли тоғ этакларида ва баъзи водийларда баҳори буғдой экиш учун суғорилмайдиган ерларни ҳайдар эдилар. Баҳори буғдой уруққа нисбатан тўрт-беш марта ошиқ ҳосил берар

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1956. 390-бет.

<sup>2</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: “Шарқ”. 2001. 296-бет.

эди. Суғориладиган ерларга экилган буғдой бир неча марта кўп ҳосил берар ва кўпинча ёз давомида икки марта ҳосил олинар эди. Буғдой ва арпа ўриб-йиғиб олинган, ўрнига кунжут, мош, тарик ёки қовун экар эдилар. Аммо бу сув ва ўғит сероб бўлган хўжаликлардагина мумкин эди. Моли ва яйлови кам бўлган кўпчилик деҳқонларда ўғит кам бўларди. Сув йирик ер эгалари, бойлар ва хон амалдорлари қўлида эди. Бунинг устига тоғлардаги қор запаси дарё ва каналларни ҳар йили ҳам етарли миқдорда сув билан таъминламас эди. Баҳорги экинлар кўпинча қовжираб қолар эди. Умуман, деҳқонлар ғалладан мўл ҳосилни жуда оғир меҳнат эвазига етиштирар эдилар.

Хонлик ҳудудларида бўлган аксарият сайёхларнинг гувоҳлик беришларига кўра, Ўрта Осиё қишлоқ аҳолиси меҳнат малакасида, кузатувчиликда, дала, боғ ва полиз экинларини етиштиришда юксак чўққига кўтарилган эди. Масалан, 1795 йилда Т. Бурнашев бухороликлар ерни «мисли кўрилмаган тиришқоқлик билан» ишлашини қайд этган эди. Н. Муравьев эса 1820 йили «Хатто Германиянинг ўзида далани ишлашда хиваликлардек ғайратли кишиларни кўрмаган эдим», деб ёзган эди<sup>1</sup>.

XIX асрнинг 50-йилларида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши бўйича Фарғона бошқа вилоятлардан ўзиб кетди. Хива хонлигининг қишлоқ хўжалиги Фарғона водийсининг қишлоқ хўжалигидан орқада қолганидан ташқари, Бухоро хонлигидан ҳам орқада эди<sup>2</sup>.

Уччала хонлиkning ҳаммасида кўп ерлар хон ва амалдорлар қўли остида эди. Давлат ерлари амлок, мамлок, мамлаки подшоҳий, подишолик деб аталар эди. Бу ерлар наслдан-наслга қолиб келган ва хазинага солиқ рента тўлаб келган деҳқонлар томонидан ишланар эди.

Кўпинча хонлар деҳқонлар яшаб турган давлат ерларини йирик амалдорларга ёки катта рухонийларга хизмат ҳақиға мукофот тариқасида берар эдилар. Бундай ер эгалари деҳқонлардан олинадиган солиқнинг бир қисмини ёки ҳаммасини олишлари мумкин эди. Шундай қилиб, XVIII - XIX

---

<sup>1</sup> Сағдуллаев А., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 1-қисм. – Т.: “Академия”, 2000. 244-245-бетлар.

<sup>2</sup> Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган: 1994. 67-бет.

асрларда давлат ерларининг бир қисми бўлакларга бўлинган мулкчилик характериға эға давлат ерга эғалик қилар ва солиқлар йиғар эди.

XVI асрдаёқ айрим ер эғалари мулкчилик объектларини чегаралаш ва баъзи ерларни ўз ихтиёрларига тўла олиш учун ҳаракат қилган эдилар. Бунинг учун улар солиқ ўрниға ернинг маълум қисмини хонға бериш, ёки пул бериш йўли билан ўзларини солиқлардан озод этиш учун хонлар билан битим тузишға ҳаракат қилдилар. XVII-XVIII асрларда шу битимға кўра катта-катта ерлар катта мулкдорларнинг хусусий мулкиға айланди. Битим хон розилиғи билан эмас, балки, қозиларнинг суд ҳокимияти томонидан тузиларди. Бунда хонлар давлат ерларини сотувчи хусусий шахс сифатида қатнаша олар эди. Бундай йўл билан қўлга киритилган ерларни ҳазинаға қайтариб бўлмас ва бундай ерлар мулки хурри холис деб аталар эди<sup>1</sup>.

Кўчманчи ва ярим кўчманчи ўзбек қабилаларининг бошлиқлари илғари жамоа – қабилла мулки бўлган ерларни ўз тасарруфига ўтказиб олганлар. Бухоро хонлиғидаги қотоғон ва хитой-қипчоқ ерлари, Хоразмда манғит ерлари, Фарғонада қипчоқ ерлари ва бошқа ерлар бунға мисол бўла олади. Шунингдек, майда ер эғаларининг ўз қарзлари эвазига йирик ер эғаларига ерларини гаров қўйиши ёки сотиб юбориши йўли билан ҳам ер олинар эди.

Хонлар йирик ер эғаларининг мустақиллиғини тугатиш учун ҳаракат қилар эдилар ва шу мақсадда мустақил бўлишға ҳаракат қилган вилоятлар устиға ҳарбий юришлар қилар эдилар. Бухоро хонлари Ургут, Шаҳрисабз, Балх, Ҳисор устиға, Хива хонлари Қўнғирот, Марв, туркман ва қорақалпоқлар яшаган вилоятлар устиға, Қўқон хонлари Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Туркистон устиға ҳарбий юришларни амалға оширганлари маълум<sup>2</sup>.

Агар юришлар муваффақиятли чикса, йирик ер эғалари ўз қариндош-уруғлари ва яқин кишилари билан бирғаликда ўлдирилар ёки хонға хизмат қилувчи кишиларға айлантирилар эди. Қўлга киритилган ерлар муваққат ер

---

<sup>1</sup> Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI-первой половине XIX века. Том 1. – Т.: 1966. Стр. 189.

<sup>2</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиғи тарихи (энг қадимғи даврдан Россия босқиниға қадар). – Т.: “Шарқ”, 2001. 284-бет.

эгалити бўлган танҳоларга айлантирилар эди. Танҳолар қўли остида унумдор ерлар кам бўлар эди. Асосан улар танҳонинг вақтинча хизмати учун берилар эди. Танҳолар тортиқ қилинган ерларни бировга беролмас ва мерос қилиб қолдирилмас эди.

XIX аср бошларида Бухоро хонлигида 36 мингдан ортиқ навкарлар (ҳарбий хизматдаги кишилар) бор эди. Булар давлат ерларининг маълум қисмидан танҳо сифатида фойдаланар эдилар. Амир Ҳайдар (1800-1826 йиллар) даврида баъзи амалдорлар давлатдан катта-катта ер олганлар. Улар бу ерларни шартли инъомлар сифатида эмас, балки солиқлардан озод қилинган ҳолда тўлиқ шахсий мулк сифатида олганлар. Манғитлар сулоласини марказлаштириш учун энг кўп ҳаракат қилинган даврда, яъни XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг ўрталарида ерлар инъом этилмаган<sup>1</sup>.

Хива ва Қўқон хонликларида хонларнинг марказлаштириш сиёсати Бухоро хонлигига нисбатан ҳам муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Айниқса, Хоразмда катта ер эгалари кўп сонли мулкларни ўз қўлларида сақлаб қолган эдилар. XIX аср ўрталарида Фарғонада ҳам, Хоразмда ҳам ерларни амалдорларга хусусий мулк қилиб инъом этиш ва сотиш давом этар эди.

Катта ер эгалари ерларни ўз қўлларида ва ўз авлодларининг қўлларида мангу сақлаб қолиш учун кўпинча уларни авлод вақфига, яъни авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган мулкка айлантирар эдилар.

Суғориладиган ва аҳоли яшайдиган ерларнинг катта қисми Хива хонлигида 40% га яқин, Зарафшон водийсида учдан бир қисми вақф шаклида мусулмон руҳонийлари қўлида эди. Бу ерлардан олинадиган даромадлардан диний муассасалар фойдаланар эди.

Ўрта Осиё хонликларида XIX аср ўрталаригача маълум даражада уй қулчилиги сақланиб келди. Бунда айрим ер эгалари асосан уй ишларини бажариш учун чет эл тутқунларини сотар ва сотиб олар эдилар. Хива

---

<sup>1</sup> Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI-первой половине XIX века. Том 1. – Т.: 1966. Стр. 191.



хонлигида айниқса бундай тутқунлар кўп эди. Фарғонада қуллар меҳнатидан кам фойдаланилар эди. Х. Вамберининг маълумотларига қараганда, Бухоро ва Хивада қуллар уй ишларини бажаришдан ташқари, деҳқончилик ишларини ҳам бажарганлар. Баъзан улар пул тўплаб қулликдан озод бўлганлар<sup>1</sup>.

Уччала хонликка қарашли ерлар уч қисмга бўлинар эди: биринчиси — давлат ерлари (амлок, амлоки подшоҳий) деб, иккинчиси — шахсларнинг хусусий ерлари (мулкий ерлар) деб, учинчиси — вақф ерлар деб номланар эди.

Шариат қонун-қоидалари асосида амлок ерга эга бўлган хўжайин 3 йил давомида ердан фойдаланмай уни ташлаб қўйса, шу ердан ҳосил олмагани учун хирож солиғи тўламас эди. Натижада амлокдор ерга бўлган эгалик ҳуқуқини йўқотар ади. Хон амалдорлари бу ерни эгасиз ер ҳисоблаб, уни шариат қонунлари асосида бошқа кишига олиб берар эдилар. Давлат ихтиёридаги қўриқ ва бўз ерларга сув чиқариб ўзлаштирилгандан кейин, у ерларга ҳам одамлар кўчирилиб, ўрнаштирилар эди. Мана шу янги амлок ерларга жойлашган аҳоли ҳар йили ер ижараси ва хирож солиғи тўлаши билан бир қаторда, ирригация иишоотларига сарф қилинадиган пулларни ҳам ортиғи билан хонга тўлашга мажбур эди. Амлок ер эгалари шариат қонунлари асосида барча солиқларни тўлаб, мажбуриятларни ўз вақтида ижро этиб боришлари билан бирга, бу жойларда узоқ йиллар давомида ўтириб қолганликлари учун хусусий мулкдор бўлиш ҳуқуқини олишар эди. Ер эгаси амлок ерларни сотиш, мерос қилиб қолдириш ёки инъом этиш ҳуқуқига ҳам эга эди. Лекин уни сотиб олган киши яна хирож тўлаб бориши шарт эди. Шундай қилиб, XIX асрнинг ўрталарига келиб амлок ерлар ҳам деярли мулкий ерларга айланиб қолган эди Чунки амлокдорлар давлатга ижара — хирож тўлаб турсалар, мулкий ерларга бўлган муносабатларини борган сари ўзгаришлари натижасида XVIII аср охири — XIX аср бошларида мулкий ерларга ҳам солиқлар солина бошлади. Оқибатда амлок эгалари

---

<sup>1</sup> Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 74-бет.

билан мулкий ер ўртасидаги фарқлар аста-секин йўқола борди.

Мулкий ерлар ўз навбатида тўрт қисмга бўлинарди: буларда биринчиси мулки ҳур ёки мулки холис деб номланади. Бундай ер эгалари ўзларининг хон давлати олдидаги алоҳида хизматлари учун ёки ерни сотиб олиш пайтида унинг қийматини бирийўла хазинага тўлашлари натижасида солиқлардан озод бўлардилар.

Мулкий ерларнинг иккинчи хили мулки ушр бўлиб, ундан олинган бутун ҳосилнинг ўндан бирини давлатга солиқ тариқасида тўланар эди. Бу ерлар аслида ислом динини ихтиёрий қабул қилган кишиларнинг ерлари бўлган, итоат эттирилган жойларда ғолиблар ўртасида тақсим қилинган суғориладиган ерлар ҳам мулки ушр саналган. Хоннинг руҳсати билан қўриқ ва бўз ерларга сув чиқариб, янги ерларни очган айрим шахсларнинг ерлари ҳам мулки ушр ҳисобланиб, ҳосилнинг ўндан бир қисми хонга берилар эди.

Мулкий ернинг учинчи хили қурол кучи билан мусулмон давлатларига қўшиб олинган ерлар мулки хирож дейиларди. Бундай ерларнинг ҳосилидан бешдан бир ёки тўрдан бир қисми хон давлатига солиқ тариқасида тўланар эди<sup>1</sup>.

Мулкий ернинг тўртинчиси мулки вақф бўлиб, бу мусулмон муассасаларига ҳадя қилинган ерлар эди.

Фақат суғориладиган ерларгина эмас, балки суғорилмайдиган баҳорикор ерлар ҳам мулки ҳур, мулки хирож, мулки ушр ерлари қаторига кирар эди<sup>2</sup>.

Мулкий ерлар турли йўллар билан юзага келарди. Масалан, сув чиқариб ўзлаштирилган қўриқ ва бўз ерлар мулкий ерлар бўлиб қоларди. Хон томонидан ҳарбийларга, руҳонийларга, хон авлодларига, бекларга, амалдорларга ва бошқаларга инъом қилинган ерлар ҳам мулкий ерлар саналарди. Бу ерлар хонларнинг ёрлиқлари билан қонунлаштириб бериларди. Мулкий ер эгалари бир қанча имтиёзларга эга бўларди. Масалан, бундай ерлар солиқлардан озод қилинарди. Мулкдор мулкий ерни сотиш, бировга ҳадя қилиш ёки ўз авлодига мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эга эди. Хонлар

<sup>1</sup> Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2012. 332-бет.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар. 333-бет.

давлат ихтиёридаги бўш ётган ерларни ўзлаштиришни истаган кишиларга ажратиб бериш сиёсатини тутардилар. Янги ўзлаштирилган ерлар мулки хур бўлиб, бундай ер эгалари дастлабки даврда ҳеч қандай солиқ тўламас эдилар.

Янги тайинланган хонлар бу ерларни қайтариб олиш ёки умумий қоидага мувофиқ уларга солиқлар солиш ишларини олиб борар эдилар.

XVIII аср охирларида Бухорода хон амалдорларининг бевосита ёрдами билан мулкӣ ерлар кўпаяди, ҳатто турли қалбаки ҳужжат-ёрлиқлар билан амлок ерлар мулкӣ ерларга айлантирилиши натижасида давлат даромади камая бошлади. Бу ҳол давлатга иқтисодий жиҳатдан катта зарар етказди. Шунинг учун амир Шохмурод ерларни текширтириб, кўпгина мулкӣ ерларни рўйхатдан чиқаради. Рўйхатдан ўчирилган ер эгалари умумий қоида асосида солиқ тўлашга мажбур этилди<sup>1</sup>.

Бошқа ўзбек хонлари ҳам шундай сиёсат юргизардилар. Ўзаро урушлар натижасида ҳокимиятни қўлга олган хонлар даврида бу тартиб тез-тез такрорланарди. Янги хон ўз рақиби бўлган эски хон томонидан берилган мулкӣ ерларни ўша хои тарафдорлари ва амалдорларидан тортиб олиб, ўз тарафдорлари ёки авлодларига берар эди. Бундан ташқари, мулкӣ ер эгалари ўзларининг ерга эгалик қилиш ҳақидаги эски ёрлиқларини кўрсатиб, янги хон замонида уларни янгилаб олишлари шарт эди.

Айниқса, урушлар даврида, хонлар маблағга жуда ҳам муҳтож бўлиб қолган пайтларда, мулкӣ ерларга берилган имтиёзлар бекор қилиниб, солиқлар миқдори ошириларди. Илгари солиқ тўланмасдан келган кўпгина мулкӣ ерларга ҳам умумий асосда солиқлар солина бошлади. Шунинг натижасида мулкдорларнинг мулкӣ ерлари ва имтиёзлари ҳақидаги ёрлиқлар ўз кучини йўқота борди.

Шундай қилиб, XIX аср ўрталаридаёқ мулкӣ ер эгалиги соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди, ерга хусусий эгалик қилиш қонунлари ўз

---

<sup>1</sup> Сагдуллаев А., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 1-қисм. – Т.: “Академия”, 2000. 247-бет.

аҳамиятини аста-секин йўқота бошлади<sup>1</sup>.

Мовароуннаҳрда ер эгалигининг учинчи хили — вақф ерлар диний муассасалар ҳузурида вужудга келган эди. Бундай ерлар Ўрта Осиёга ислом динининг ёйилиши билан боғлиқ бўлиб, улар шариат қонун-қоидалари асосида аста-секин кўпая борди. Хонлар, беклар ва қисман оддий аҳоли руҳонийларнинг таъсири остида ўз ерларининг бир қисмини мадраса, мачит ва мозорларга ҳадя қиларди.

Ўтроқлашган халқ яшайдиган шаҳарларда деярли ҳар бир мачит, мадраса ва бошқа диний муассасалар шундай вақф мулкка эга эди. Бундай ерлар кўпинча меҳнаткаш деҳқонларга айрим шартлар билан ижарага бериларди. Ундан келган даромаддан руҳонийлар ва мадрасалардаги талабалар фойдаланар эдилар.

Солиқ тўланадиган давлат ерлари билан мулкӣ ерларни вақф қилиб беришдан олдин албатта хонлардан руҳсат олинарди. Уларни уламолар шариат қонунлари асосида ёрлиқлар билан тасдиқлаб берардилар. Вақфномалар авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолиши мумкин эди. Ҳар бир хон тахтга чиққанида бундай ерларни текширувдан ўтказарди.

Ўлкадаги ер-сувнинг асосий хўжайини бўлган хонлар катта ер майдонларига эга эдилар. Масалан, Бухоро хонлигидаги барча ҳосилдор ерларнинг учдан икки қисми амирнинг ери ҳисобланган. Масалан, XIX аср ўрталарида Бухоро амирлигидаги суғориладиган ерлар 2 миллион 450 минг десятина бўлган. Бу ерларнинг катта қисми амир ва унинг авлодлари қўлида эди<sup>2</sup>.

Қўқон хонлигидаги асосий ер майдонлари хон ва унинг авлодлари тасарруфида эди. Бундай ерлар чек ерлар деб аталарди. Масалан, биргина Андижон атрофида Олимбек чеки деб номланган ерлар 298 десятина, Шералихон чеки 291 десятина бўлган. Фарғона водийсида бундай чек ерлар

---

<sup>1</sup> Сағдуллаев А., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 1-қисм. — Т.: “Академия”, 2000. 247-бет.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи (XVI-XX аср бошлари). Иккинчи китоб. — Т.: “Шарқ”, 2010. 134-бет.

кўп эди<sup>1</sup>.

XIX аср ўрталарида чек ерлар янада кўпаяди. Хусусан Худоёрхон замонида хон ва унинг авлодлари кўлида жуда кўп чек ерлар тўпланган. Худоёрхон, Султонмуродбек, Насриддинбек, Ўрмонбек ва бошқалар номидаги чеклар 1845-1875 йилларда айниқса кенгайган. Худоёрхоннинг ўзи оз вақт ичида сунъий суғориладиган ер майдонлариинг кўпини ўз кўлида тўплашга муваффақ бўлган. Масалан, унинг Ёрмачит атрофида 1000 чоракли шоликор ерлари бўлган. Бутун Қўқон хонлигида хоннинг бир қанча шолипоялари бор эди. Айниқса Андижон ва Марғилон атрофида хонларнинг шоликор ерлари кўп эди. Бундан ташқари, хонликдаги энг яхши сувли экин майдонлари хоннинг ов қиладиган жойи қилиб ажратилган эди<sup>2</sup>.

Марғилон яқинидаги Ёрмозор атрофида ва Қоратегин томонида Мадалихон кўп жойларни ана шу мақсад учун ажратган эди. Умуман, хонларнинг ов қиладиган бундай жойлари жуда кўп бўлган. Худоёрхон Сирдарё бўйидаги, Норин билан Қорадарё ўрталигидаги ер ва кўлларнинг ҳаммасини ўз ихтиёрига олиб, уларни ов қиладиган жойга айлантирган ва махсус қўриқчилар тайинлаган эди. Ҳатто Қўқон, Марғилон ва Асака ўрталигидаги янтоқзорлар ҳам хон давлатига қарашли бўлиб бу ерларга алоҳида қоровуллар тайинланган эди. Қўриқчилар, мол боқувчи, хас-хашак ва янтоқ йиғувчи кишилар хонга махсус солиқлар тўлашга мажбур қилинар эдилар<sup>3</sup>.

Хон ерлари ижарага ҳам бериларди. Поп қишлоғи атрофида, Сирдарё бўйида шундай ерлар кўп эди. Қўқон шахрининг шимоли-шарқида, Сирдарё яқинидаги Дамкўл атрофидаги яйловларда қорақалпоқлар молларини ёйиб боқиб юрар эдилар. Худоёрхон фармони билан бу ерлар улардан тортиб олинади. Бу ерлардан шу тариқасида фойдаланадиган кишилардан хон фойдасига алоҳида солиқлар ундириб олина бошлайди.

Қўқон хонлиги тарихини ёзган В. Наливкин бу тўғрида муҳим бир

<sup>1</sup> Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган: 1994. 67-68-бетлар.

<sup>2</sup> Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Т.: “Фан”, 1965. 67-68-бетлар.

<sup>3</sup> Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худоярхана). – Т.: “Фан”, 1973. Стр. 121.

маълумотни келтиради. Сирдарё ўз оқимини ўзгартириб, қирғоқларининг баъзи жойларини ювиб ёки лойқалатиб кетиши натижасида айрим вақтларда экинзорлар ҳам вужудга келарди. Умумий қоидага кўра бу ерларга яқин қишлоқларнинг аҳолиси эгалик қилиши керак эди. Худоёрхон эса бундай ерларни ўз ихтиёрига ола бошлаган. Масалан, Сирдарё оқимининг ўғариши натижасида Намангандан 15 чақирим наридаги Каттакон қишлоғи атрофида экин экиладиган ер пайдо бўлган. Қишлоқ халқи шу ерни ўзиники деб эълон қилган. Бундан хабар топган Худоёрхон Наманган қозиси Турсун Муҳаммадга бу ерни хон фойдасига ҳал қилиш тўғрисида фармон берган<sup>1</sup>.

Катта шаҳар ва қишлоқларда хонларнинг алоҳида боғлари ҳам бўлган. Масалан, Қўқон шаҳри атрофида 400 танобдан иборат «Афғон боғи» ва «Урганч боғи» бўлиб, бунда хон ва унинг оила аъзолари турган. Балиқчи, Наманган, Марғилон, Тошкент сингари катта шаҳар атрофларидаги энг яхши боғлар ҳам хонларга қарар эди. Андижон яқинидаги «Афғон боғи»нинг майдони 27 десятина бўлган. Бухоро ва Хива хонликларида ҳам бундай хон боғлари кўп эди<sup>2</sup>.

Хива хонлигида хон ва унинг авлодлари энг катта ер эгалари ҳисобланарди. XIX асрнинг 40-йилларида Хива хонлигида Амударёнинг чап соҳилидаги ўтроқлашган аҳолига қарашли ҳайдаладиган ерлар ва боғлар 1 миллион 866 минг 666 танобни, яъни 700 минг десятинали ташкил этган. Бу ерларнинг энг кўп қисми хон ва унинг авлодлари, катта амалдорлар ва оддий хизматчилар, руҳонийлар, масжид, мадраса ва савдогарлар қўлида бўлган. Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерлар, яъни Шаҳрихон канали билан Элтузархон канали ўртасидаги ерларнинг ҳаммаси хон амалдорларининг ерлари эди.

Хива хонлари қўлидаги ерларнинг катта қисмида қуллар ва меҳнаткаш деҳқонлар кучи билан деҳқончилик қилинган, бошқа бир қисми эса ерсиз ва кам ерли деҳқонларга маълум шартлар билан, яъни ҳосилнинг ярмини, учдан бир қисмини, тўртдан бир қисмини ва ҳатто бешдан бир қисмини бериш

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1956. 376-377-бетлар.

<sup>2</sup> Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган: 1994. 70-бет.

шарти билан ижарага қўйилган. Хон ўз ерларининг учинчи бир қисмини хизматчиларига, ҳарбий ҳодимларига маош эвазига берар эди. Бундан ташқари, хоннинг кўпгина боғлари ва ов қиладиган жойлари бўлган. Амударё бўйидаги тўқайзорлар ҳам хонники ҳисобланиб, бу ерлардан ўтган, ё хас-хашак ўрган, ёки пода ёйган кишилардан алоҳида солиқ олинар эди<sup>1</sup>.

Хива хонлари энг катта ер эгаси ҳисобланар эди. Хон авлодлари катта-катта ер майдонларига ва ирригация иншоотларига эга бўлганлар. Масалан, Оллоқулихоннинг олти укаси ва икки ўғли ана шундай катта ер эгаси саналган ва улар қўлида кўп бойликлар тўпланган. Оллоқулихоннинг катта укаси Раҳмонкул 1826 йилдан бошлаб Ҳазораспда турган, у ўзини инок номлаб, шаҳар атрофидаги ўнта катта ер майдонини эгаллаган. Хоннинг бошқа укалари ва қариндошлари Шоҳободга жойлашган эди. Бу шаҳар атрофидаги жойлар хонликнинг гавжум ва унумдор ерларидан эди. Шоҳобод, асосан мулкӣ ер ҳисобланиб, хонга солиқ тўламас эди. Катта ер эгалари бўлган хон авлодлари асосан Урганч ва Хивада турганлари ҳолда, ўз ерларини меҳнаткаш деҳқонларга жуда оғир шартлар билан ижарага берардилар. Улар ўз ерларини девонбегилари орқали идора қилардилар. Девонбегилар бу ерларни ижарага бериш ва ижара ҳақини йиғиб олиш вазифасини бажарардилар<sup>2</sup>.

Ўрта Осиё хонликларида суғориладиган ер майдонининг катта бир қисми руҳонийлар ва диний муассасалар қўлида тўпланган эди. Бухоро хонлигида Зарафшон бўйидаги суғориладиган энг яхши ерларнинг учдан бир қисми вақф ери ҳисобланган. Бу даврда уччала хонликда ҳам диний муассасаларнинг ҳаммаси вақф ерига эга эди. Айниқса, Қўқон ва Хива хонликларида бундай вақф ерлар кўп бўлган. Марғилон атрофида 22 530 десятина, Андижон томонларда 32 640 десятина, Олтинкўл, Бозорқўрғон, Балиқчи, Жалолобод, Қўқонқишлоқ, Қуршоб, Избоскан, Новқат томонларда 21 270 десятина ер майдонлари мачит ва мадрасалар ихтиёрида бўлган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. – Т.: “Фан”, 1959. 97-бет.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар. 101-бет.

<sup>3</sup> Соатов С.С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1973. 112-113-бетлар.

Умуман олганда бутун Фарғона водийсида ўн мингга яқин жойда шундай вақф ерлари бор эди.

Бутун Хива хонлигидаги суғориладиган ва аҳоли яшайдиган ерларнинг қарийб 40 фоизи масжид ва мадрасалар ихтиёрида эди. Биргина Хива хонлигидаги Мадаминхон мадрасаси 30 минг таноб, Раҳимхон мадрасаси 26 минг таноб вақф ерга эга эди<sup>1</sup>.

Бу диний муассасалар ихтиёридаги ерлардан ташқари, яна энг катта ер-сув руҳонийлар қўлида тўпланган эди. Масалан, Қўқон хонлигидаги катта ер-сув ва мулк эгаси бўлган руҳоний Мулла Эшонмирзо Абдулла Водил қишлоғида 100 таноб суғориладиган ердан ташқари, турли жойларда улкан қўрғонларга ва Олойда кўп сонли чорва молларига эга эди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хон, унинг авлодлари ва хизматчилари, руҳонийлардан ташқари, бошқа хусусий ер эгаларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: энг катта ер эгалари, ўрта ер эгалари ва энг майда ер эгалари. Биринчи гуруҳга мансуб бўлган маҳаллий ер эгалари, савдогар ва судхўрлар ер-сувни эгаллашда хон авлодларидан қолишмас эдилар. Чунончи, XIX асрнинг 40-йилларида Хива хонлигидаги айрим катта ер эгаларининг суғориладиган ерлари икки-уч минг танобга етар эди. Бундай ер эгалари жуда кўп бўлган<sup>2</sup>.

Бошқа хонликларда ҳам ерга феодал хусусий мулкчилиги ҳукм суларди. Туркистон ўлкасида 8-10 таноб суғориладиган ерга эга бўлган хўжаликлар тўқ хўжалик ҳисобланарди. Айниқса, Зарафшон ерлари энг ҳосилдор ерлар бўлиб, катта иқтисодий бойлик келтирар эди. 200, 300, 400 таноб ва ундан ортиқ ерга эга бўлган хусусий ер эгалари ҳам бор эди. Улар Зарафшон водийсидагина эмас, балки бутун Бухоро хонлигида ҳам энг бой хўжаликлар саналарди. XIX аср ўрталарида ҳар таноб суғориладиган ернинг қиймати ўрта ҳисобда 100 сўм бўлиб, 400-500 таноб шундай ери бўлган ер эгаси ҳақиқатда 40-50 минг сўмга эга бўлгани туфайли у ўлкада энг катта бойлардан ҳисобланар эди. 100 ёки 150 десятина ери бўлганлар эса бутун Туркистонда

<sup>1</sup> Хоразм тарихи. 1-жилд. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. – Урганч: 1997. 245-бет.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар. 246-бет.



ўзларини энг катта мулкдор деб ҳисоблардилар.

Бухоронинг шарқи-жанубидаги тоғли районларда бек, миршоҳ ва маҳаллий феодаллар катта ер майдонларини ўз қўлларида тўплаган эдилар. Масалан, Қоратегин ҳокими 36 минг ман<sup>1</sup> ернинг эгаси бўлган. Лекин бу ерлар, асосан яйловлардан иборат бўлиб, Қоратегин, Ҳисор ва Қарши феодалларига мол боқиш учун энг юқори баҳода ижарага берилар эди. Фарғона водийсида энг яхши ерлардан ҳисобланган Водилда айрим феодаллар 300 танобдан 600 танобгача ерга эга бўлганлар, шу қишлоқдаги 274 хўжаликнинг эса 1 танобдан 5,5 танобгача, 19 хўжаликнинг 51 танобдан 253 танобгача ери бўлган. Йирик заминдор Эрматбой Сувонкул ўғли энг катта ер-сувга эга бўлиш билангина қаноатланмай, яна Чимён атрофидаги қишлоқларда яшовчи камбағал деҳқонларнинг ерларини ҳам сотиб олиб, жуда катта экин майдонига эгалик қилган<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг уч хонлигида сунъий суғориладиган ерлар ҳамда каналларнинг асосий қисмини хон, бек ва уларнинг авлодлари, руҳонийлар, маҳаллий феодаллар, савдогарлар ва судхўрлар эгаллаб олган эдилар. Меҳнаткаш деҳқонлар оммаси эса энг кам ер-сувга эга бўлган. Масалан, Хива хонлигидаги 1 миллион 866 минг 666 таноб ердан атиги бир миллион таноби деҳқонлар қўлида эди. Оддий деҳқонларга ўрта ҳисобда жон бошига 4 танобдан сал ортиқроқ ер тўғри келарди. 8-10 таноб ерга эга бўлганлар тўқ хўжалик саналса, 4-5 таноб ери бор хўжалик таъминланган оила ҳисобланарди. Лекин хонликдаги ерлар аҳоли ўртасида тўғри тақсимланмаган эди. Меҳнаткаш деҳқон хўжаликлари ўрта ҳисобда бир танобдан ерга эга бўлган. Кўпгина деҳқонларнинг ери бундан ҳам кам эди. Қишлоқ меҳнаткашларининг бир қисми бутунлай ерсиз эди. Меҳнаткаш деҳқонларнинг талайгина қисми бир танобдан ва ундан ҳам кам ерга эга эди. Айниқса, Зарафшон водийсида ерсиз деҳқонлар кўп бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги маълумотларга кўра, водийдаги айрим қишлоқларда ерсиз

---

<sup>1</sup> Ман – ер ўлчов бирлиги, XIX аср бошларида тахминан 120-125 кв. метрга тенг бўлган.

<sup>2</sup> Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган: 1994. 73-бет.

деҳқонлар 14,5 фоизни ташкил этган<sup>1</sup>.

Қўқон хонлигида аҳвол бундан ҳам баттар эди. Чунончи, Фарғона водийсида бир таноб ери бўлган деҳқонлар жуда кам эди. Ҳатто бир таноб ернинг йигирмадан бир қисмига эга бўлган деҳқон хўжаликлари ҳам бор эди. Кўпгина деҳқонлар ерсиз эди. Айрим қишлоқларда ерсизлар сони меҳнаткаш деҳқонларнинг 40 фоизидан 60 фоизигача бўлган қисмини ташкил этарди.

### **2.3. Сунъий суғориш тизими**

Қадимги вақтлардан буён Сирдарё, Амударё, Или, Чуй ва Зарафшон қаби катта дарёлар ўзбек хонликлари ерларида асосий сув манбасини ташкил қилган. Норин билан Қорадарё Балиқчи қишлоғи олдида бир-бирига қўшилиб, Сирдарё номини олган. Сирдарё Қўқон хонлигининг асосий ва марказий ерларини кесиб ўтарди.

Фарғона водийсида Сирдарёдан ташқари Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрам, Пошшота, Новқат, Оқбура, Косонсой, Қорабура ва бошқа бир қанча катта ва кичик дарёлар мавжуд бўлиб, улар ҳам сунъий суғоришнинг асосий манбалари саналарди. Тошкент атрофидаги Оҳангарон, Чирчиқ, шунингдек, шимол томондаги Чуй дарёлари ҳам сунъий суғориш ишлари учун хизмат қиларди<sup>2</sup>.

Бухоро хонлигидаги Зарафшон дарёси Самарқанд атрофидан Бухорогача бўлган ҳосилдор ерларни босиб ўтиб, Қоракўл кўлига қуйиларди. Зарафшон дарёси Қашқаридовон тоғларидан сув олган ва Миёнкол атрофида Оқдарё ва Қорадарёга бўлиниб кетган. Зарафшоннинг Бухоро билан Миёнкол ўртасида анча ерларгача иккига бўлиниб оқиши сунъий суғориш учун янада катта имконият туғдирарди. Қорадарёнинг Махон тармоғи Махон-Чироқчи кўлини юзага келтирган, унинг жуда кўп миқдордаги суви қумликларга бориб йўқоларди, шунингдек, Бухорога яқин жойда катта ботқоқлик ҳосил қилади.

Сурхондарё ва Қашқадарё ҳам сунъий суғоришда катта аҳамиятга эга

---

<sup>1</sup> Сагдуллаев А., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: “Академия”, 2000. 210-бет.

<sup>2</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: “Шарқ”, 2001. 275-бет.

эди. Амударё Туркистонда сунъий суғориш соҳасида қадимги замонлардан бўён ғоят катта сув запасига эга бўлган дарёлардан саналарди. Унинг суви 2 миллион 500 минг десятина ерни суғоришга етарди. Дарёнинг узунлиги 2 250 километр ва кенглиги Хива хонлиги ерларида 75-500 саржин бўлиб, ўлкада муҳим ўринни ишғол қиларди. Лекин ирригациянинг техника даражаси паст бўлгани сабабли бу улкан сув манбасидан аҳоли тўлиқ фойдалана олмас эдилар<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, бу дарёлар Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини сунъий суғоришда асосий сув манбаси бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Бу дарёлар Туркистоннинг жанубий, шарқий ва шимолий қисмларидаги энг баланд қорли тоғлардан бошланиб, тез оқиб келиши натижасида юқори ва ўрта оқимларида ер ўйилади, сув жуда ҳам пастдан оқиб, ундан сув чиқариш ғоят қийинлашади, фақат шу дарёларнинг бўйларида чиғирлар ўрнатиб, сув олиш мумкин бўлади. Тоғдан сурилиб келадиган қум ва бошқа лойқа билан дарё аста-секин тўлиб боради ва лойқаланади. Сув ҳам аста-секин юқори кўтарила боради. Дарёларнинг қуйи оқимларида бир қанча дельталар ҳосил бўлади. Шу туфайли табиий равишда ирригация ишларини ривожлантириш ва янги ариқлар чиқариш учун имконият туғилади.

XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида хонлар ва хусусий кишилар трмонидан бир неча канал қазилиб, ўша дарёлардан сув чиқарилган ва ирригация соҳасида анча ишлар қилинган. XIX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Фарғона водийсида дарёлардан сув олувчи бир қанча катта ариқлар қазилганлиги бунга далил бўла олади. Масалан, 1803 йилда Норин дарёсининг ўнг томонидан қазилган Янгиариқ Чагарахон, Кисработ, Уйчи, Чортоқ, Мўтаган, Косатепа, Мастура, Теба шахри, Наманган, Хонобод каби ерларни сув билан таъминлаган<sup>2</sup>.

Наманган атрофида янги ариқлардан 55 та шохобча чиқарилиб, улар ёрдамида жуда кўп қишлоқ жойлари сув ичган. Биргина Наманган

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. – Т.: “Фан”, 1991. 175-бет.

<sup>2</sup> Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Т.: “Фан”, 1965. 69-бет.

шаҳрининг ўзида янги ариқдан 21 шохобча чиқарилиб, шаҳар ичкараси ва шаҳар чеккасидаги қишлоқларга қарашли ерлар суғорилган. Хонобод томонида 12 ариқ чиқарилган. Умуман, янги ариқдан 96 шохобча чиқарилиб, кўпгина экин майдонлари суғорилган<sup>1</sup>.

1819 йилда Умархон фармони билан янги ариқ янада кенгайтирилиб, унинг узунлиги 100 чақиримга етказилди, унда ҳар секундда 4 куб саржин сув оқиб, асосан Наманган атрофидаги ерлар суғориларди.

1820 йилда Фарғона водийсида энг катта каналлардан бири Шаҳрихон сойини қовлаш бошланиб, бу иш уч йил давом этади. 101 чақирим узунликдаги бу сой сувни Қорадарёдан олиб, унда секундига 7 куб саржин сув оқарди. Бу сой воситасида Андижоннинг шарқи-жанубидаги ерларга сув чиқарилиб, бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш бошланади. Янги очилган ерларга бир қанча аҳоли кўчирилади. XIX асрнинг 20-йилларига келиб шу сой бўйида Шаҳрихон шаҳри қад кўтаради. Шундай қилиб, бу сой Шаҳрихон ва Холдеворбек атрофларидаги ерларни ўзлаштиришда ҳамда сунъий суғориш ишларида муҳим ўринни эгаллади<sup>2</sup>.

Мадалихон замонида Фарғона водийсида ирригация ишлари давом эттирилиб, Сирдарёнинг чап қирғоғида Гўртепа ва Мамайхон ариқлари қазилди. Ўша даврда катта Хонариқ қазилиб, Тошкент атрофидаги қўриқ ерларнинг бир қисми ўзлаштирилди. Шунингдек, Чирчиқ дарёсидан Бўзсув ариғи чиқарилди, бунда секундига 7 куб саржин сув оқиб, асосан Тошкент атрофидаги ерлар суғорилган. Умуман, Чирчиқдан ҳаммаси бўлиб 45 та канал чиқарилган, булар орасида энг каттаси Заҳарик (узунлиги 70 чақирим) эди<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, хонликдаги катта ер эгалари ҳам ўз ерларини суғориш учун ариқлар чиқарар эдилар. Катта ер эгаси ҳисобланган Мусулмонқул 1839-40 йилларда ўз қўл остидаги меҳнаткаш халқ кучи билан хусусий ариқ қаздиради, бу ариқ яқин даврларгача унинг номи билан юритилар эди.

<sup>1</sup> Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи. – Т.: “Фан”, 1969. 93-94-бетлар.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар. 101-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон тарихи (Профессор Р.Ҳ. Муртазаевнинг умумий таҳрири остида). – Т.: “Янги аср авлоди”. 2003. 334-бет.

1853 йилда ер эгаси Устамбой Марғилондан 8 чақирим юқоридаги Файзиобод қишлоғидан Қўқон томондаги Дувонаработ қишлоғидан арик қаздириб, қўриқ ерларни ўзлаштириш учун 300 ерсиз деҳқон оиласини кўчирган эди. Лекин 1856 йилга келиб, Файзиобод қишлоғининг ўзида сув етишмай қолади, Дувонаработ қишлоғи томонидаги қўриқ ерларга сув бериш тўхтатилади. Натижада у ердаги аҳоли жуда оғир аҳволга тушиб, Фарғона водийси томонларига кўчиб кетишга мажбур бўлади<sup>1</sup>.

Сирдарё билан Амударёнинг қуйи оқимларида ўрта оқимларига нисбатан сунъий суғориш ишлари анча кучайган эди. Ўша ерларда кўплаб ариқлар чиқариб, деҳқончиликнинг барча турларини ривожлантириш мумкин эди. Сув тошқинлари вақтида кўлоб бўлиб қолган сувлардан кичик ариқлар чиқариб, сувни ўз оқими билан экин майдонларига олиб бориш учун энг қулай шароит мавжуд бўлар эди. Масалан, Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Ғазали атрофларида дарёдан тошиб чиққан сувлардан ўрта ҳисобда 8 чақиримли 60 та ариқ чиқарилган. Булардан оққан сув экинзорларга етиб борарди. Сирдарё ва Амударёнинг қуйи оқимлари тошқин сувлардан чиқарилган ариқлардан экинзорларга оқиб борган сувлар кўп миқдорда озуқа моддаларини ҳам оқизиб бориб, айниқса шоли ҳосилдорлигининг ошувига ёрдам берарди.

Бухоро амирлигининг Ҳисор беклигида сунъий суғориш ишлари анча ривожланган эди. Катта Урддарё билан Кичик Урддарёлар қадимги вақтлардан буён Ғузор водийсининг ирригация ишларида катта аҳамиятта эга эди.

Хуллас, XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлиги ерларида сунъий суғориш соҳасида бир қанча муҳим ишлар қилинган бўлса ҳам, лекин амир ва беклар сув манбаларига, янги ерларга сув чиқариш ишларига етарли аҳамият бермадилар. Натижада меҳнаткаш деҳқонларнинг ерларига сув етишмаслиги сабабли, асосий экин майдонлари ҳар доим сувсизликдан қовжираб, уларнинг турмуши янада оғирлаша борди.

---

<sup>1</sup> Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган: 1994. 98-бет.

Худди шу даврда Хива хонлигида сунъий суғориш ишларининг кучайтирилганлиги кўрилади. Бу ерда катта ва кичик ариқлар чиқариш билан бир каторда, йирик ер эгалари ўзлари учун хусусий ариқлар қаздириш ишларини давом эттиришган. Қишлоқ аҳолиси жамоа асосида бирлашиб, ўзлари учун бир канча ариқлар чиқариб дехқончилик ишларини ривожлантиришга имконият яратган эдилар.

Хонликда аҳоли қадимги вақтлардан бери ўз экинларини суғориш ва боғ-роғлар барпо қилишда Амударёдан фойдаланиб келарди. Шу билан бирга бу дарё хонликка қарашли шаҳарлар ўртасида, Бухоро хонлиги билан иқтисодий ва сиёсий муносабатларда катта сув йўли хизматини ўтаб келарди. Асосий савдо саноат шаҳарлари ҳам шу дарё бўйига жойлашган эди.

Амударёдан асосан каналлар қазиш йўли билан сув олинарди. Яна дарё бўйларига турли хил чиғирлар ўрнатиб, сув чиқариларди. 1825 йили Урганчдан 10 чақирим нарида Малижонгили ёки Янгиоб ариғи чиқарилади. Бу ариқнинг узунлиги 35 чақирим, кенлиги уч саржин, чуқурлиги бир саржин эди. Бундан бир қанча шохобчалар чиқарилиб, у сунъий суғоришда муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. 1828 йилда Жанубий Хоразмга, 1831 йилда Кўҳна Урганч атрофларига сув чиқариш борасида катта ишлар олиб борилди. 1831 йили Шарқир кўлидан Кўҳна Урганч томонларига сув чиқарилиб, бўш ётган ерлар ўзлаштирила бошлади. Кўҳна Урганч томонидаги кўриқ ва бўз ерларни сунъий суғориш асосида ўзлаштириш ишлари асосан, 1828 йилда бошланди. 1840 йилларнинг бошларида Кўҳна Урганч ва Амударёнинг эски ўзани атрофида катта ва кичик ариқлар чиқариб, бу ерларни ўзлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилди<sup>1</sup>.

Оллоқулихон замонида Лавдон кўлидан катта ва кичик ариқлар қазилиб, Кўҳна Урганч томонидаги ерларни ўзлаштиришда кўп ишлар қилинди. Шу туфайли Кўҳна Урганч атрофида ирригация ишларини кучайтириб кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун катта имкониятлар вужудга келтирилди. 1846 йилда Муҳаммад Аминхон фармонида мувофиқ, юзбоши Муҳаммадамин

---

<sup>1</sup> Хоразм тарихи. 1-жилд. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. – Урганч: 1997. 245-246-бетлар.

Амударёнинг эски ўзанига дамба солиш йўли билан ариқлари чиқартириб, бир қанча қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиради. Хон фармони асосида бу ишга асосан, қорақалпоқлар сафарбар қилинадилар<sup>1</sup>.

Эски Вазир томондаги ерларнинг ирригациясига ҳам катта аҳамият берилган. 1842-46 йилларда чиқарилган ариқлар янада кенгайтирилади. Кўхна Урганч орқали ўтадиган ариқлар Шамах шаҳригача етказилиб, эски Вазир атрофлари сув билан таъминланади. Бу чуқур ва кенг ариқлар Хонобод номи билан юритиларди. Бундан кўп ариқлар чиқарилиб, талайгина қўриқ ва бўз ерлар суғорилади.

Янги ўзлаштирилган ерларнинг кўп қисми хон армиясининг лашкарбошиларига бўлиб берилган эди. Ўша ерларга борадиган ариқ Сипойиоб деб номланган эди. 1849 йилда Хонобод ариғининг қуйи оқимидан сув чиқарилиб, Қандикалъа томонидаги бўз ерлар ҳам ўзлаштирилади. У жойларда қишлоқлар, боғлар ва экин майдонлари юзага келади.

Чиғир билан сув чиқариш ирригация тарихидаги энг қадимги кашфиёт бўлиб, сунъий суғориш соҳасида алоҳида ўрин эгаллаб келган. XIX асрда ва ундан кейин ҳам анча вақтгача бу усул ўз аҳамиятини йўқотмади. Лекин чархпалак ва чиғир усулини қўлланиши кўп меҳнат сарфлашни талаб қиларди. Сунъий суғоришнинг кориз усули, яъни ер ости сувларини ер устига чиқариш усули Туркистоннинг кўпгина тоғли ва чўл ерларида, айниқса Ашхобод атрофларида, Бухоро хонлигининг Нурота, Панжикент томонларида кенг ёйилган эди. Жиззахда эса кориз усулини Галакудук деб ҳам аташган<sup>2</sup>.

Коризлар ва улардан фойдаланиш икки хил бўлган. Жамоанинг аъзолари оқсоқол томонидан жорий қилинган тартиб-қоидалар асосида навбатма-навбат кориз суви билан ўз экинлари ва боғларини суғорардилар. Кориз қазиш ишларига қишлоқдаги ҳамма кишилар иштирок этар эди. Иккинчи хил кориз мулкый бўлиб, буни йирик ер эгалари ўзлари қаздиришарди. Улар

<sup>1</sup> Хоразм тарихи. 1-жилд. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. – Урганч: 1997. 246-бет.

<sup>2</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: “Шарқ”, 2001. 299-бет.

коризлардан экинларни суғориш учун фойдаланиш билан бир каторда жамоанинг бошқа аъзоларига ижарага беришар ёки сотишарди.

Бухоро хонлигидаги сувсиз ерларда кудуклардан ҳам кўп фойдаланилган. Бухоро атрофларида Тахта, Янтоқли, Чашми, Тош, Қўйлик, Нахт, Қорабулоқ, Хушоб, Калакудук (Галакудук) каби 86 та кудук бор бўлиб, буларнинг чуқурлиги 10 газдан 90 газгача етган. Бундай кудуклар бутун Ўрта Осиёда, айниқса яйлов-чўлларда кўп бўлиб, бундан ичиш, чорва молларини суғориш ҳамда деҳқончилик ишлари учун фойдаланилган. Бундай кудуклар тош ва ғишт билан ишлаб чиқилган, усти гумбаз шаклида бекитилиб, атрофига карвонсаройлар ҳам қурилган эди. Ўрта Осиё билан Россия ўртасидаги карвон йўлларида ҳамда Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларга бориладиган йўлларда ҳам шундай кудуклар кўп бўлган.

Ўрта Осиё сунъий суғориш тарихида булоқ сувларидан фойдаланиш усули ҳам ўзига хос моҳият касб этган. Бу орқали тоғли районларда ҳамда булоқлар бўлган ерларда деҳқончиликни ҳар тарафлама ривожлантириш учун имконият яратилган. Ариқ оқсоқоллари ва мироблар юқорида кўрсатилган канал, ариқ, кориз ва булоқ сувларини аҳоли ўртасида тақсим қилиш ва янги ирригация иншоотларини қазिश, эскиларини тозалаш ва бузилган жойларини тузатиш ишларига бошчилик қилиб келганлар. Миробларнинг асосий вазифаси катта каналлардан чиқарилган турли ариқлардаги сувни майда ариқ шохобчалари орқали экин майдонларига бўлиб беришдан иборат эди. Умуман, мироб ва мироббошилар экин майдонларига қараб сувни тақсимлаб бериш, ўз қўл остларидаги ирригация иншоотларини тозалаш ва тузатиш ишларига ёрдам бериш вазифаларини бажарар эдилар. Ариқ оқсоқоли, мироб ва мироббошиларга давлат томонидан ҳеч қандай ҳақ тўланмас эди. Уларни таъминлаш ҳаражатлари аҳоли зиммасига тушар эди. Ирригация ходимларига ғалла билан ҳақ тўланар эди. Бундай ҳақ тўлаш капсан деб юритиларди<sup>1</sup>.

Тошкент беклиги ирригация ходимларини йилда бир марта мукофотлаб

---

<sup>1</sup> Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: 1959. 154-бет.



турган. Масалан, бош ариқ оқсоқолига учта тўн, битта безатилган от ва икки юз пуд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берилган. Тошкентдаги тўртта бош ариқ оқсоқоли қарамоғида бештадан кичик ариқ оқсоқоли бўлган. Тошкент шаҳар беги ҳар бир ариқ оқсоқолига йилда битта тўн, битта от ва 180 пуд ғалла берар эди. Ариқ оқсоқолларининг ҳаммаси барча солиқлардан озод қилинар эди<sup>1</sup>.

Ирригация ходимларининг тегишли маълумоти ва ихтисоси бўлмаган. Мироббоши ва ариқ оқсоқолларининг кўпчилик қисми саводсиз эди. Улар ҳеч қандай техник ва юридик ёзма ишлар олиб бормас эдилар. Уларда ҳеч қандай чизма ёки карта бўлмас эди. Улар асрлар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолган халқ тажрибаларига асосланиб ирригация ишларига раҳбарлик қилар эдилар.

Хонлар сувни сотиш, ўзига яқин кишиларга айрим ариқларни ҳадя қилиш ёки ўз лашкарбошиларига инъом қилиш каби ҳуқуқларга эга эдилар. Умуман, улар хоҳлаган шаҳар ва қишлоқларига, айрим шахсларга сувни истаганларича сотишлари ёки хизматлари эвазига беришлари мумкин эди.

Умуман, кўриб ўтилган даврда ўзбек хонликларида сунъий суғориш тизими ўзига хос тарзда таркиб топган бўлиб, кўп жиҳатдан аҳвол барча хонликларда бир-бирига ўхшаш тарзда тузилган эди. Суғориладиган ерларнинг ҳар бир қаричи кадрли бўлиб, деҳқонлар бундай ерлардан имкон қадар самарали фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бу ўринда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, бу даврда экинзорларга сувни тартибли тақсимлашнинг мукамал тизими йўлга қўйилган эди.

---

<sup>1</sup> Соатов С.С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1973. 117-бет.

### **III БОБ. XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЧОРАГИДА ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ**

#### **3.1. Қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик**

Ўрта Осиё хонликларида давлат тузуми ҳам, ижтимоий тузум ҳам кичик жихатдан ўрта асрларга хос эди. Бутун ҳокимият хон ва унинг амалдорлари қўлида эди. Феодал монархияси давлат усули эди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиё хонликларида давлат тарқоқлигини тугатиш ва марказлашган давлат тузиш учун кураш бошланади, лекин бу кураш тўла муваффақият қозона олмади ва Туркистон Россия томонидан забт этилиш даврида ҳам бу тарқоқлик ҳамон тугатилмаган эди. Уч мустақил хонликда ва бир қанча майда ерларда кўпчилик аҳолини ташкил этган ўзбек халқи тарқоқлигича қола берди. Майда ерларнинг ҳокимлари қўшнилари ҳисобига ўз ерларини кенгайтириш учун доимо уруш қилар эдилар. Ўнлаб йиллар давом этган бундай урушлар бутун мамлакатни бирлаштириш юзасидан аниқ натижалар бермади. XIX асрда Ўрта Осиёда маҳаллий бозорлар базаси асосида фақат чекка районларни марказлаштиришга эришилди. Ўзаро урушлар халқ меҳнати билан бунёдга келтирилган экин ерларини, боғларни пайҳон қилиб, шаҳарларни, ирригация иншоотларини вайрон этиб халқнинг тинкасини қуритарди.

Ўрта Осиё ўзининг турли-туман деҳқончилик маҳсулотлари билан узоқ вақтлардан буён Шарқ ва Ғарб мамлакатларига танилиб келган. Бироқ қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган асбоб ва қуроллар жуда оддий, ибтидоий шаклда бўлган. Ўлкада темир етарли бўлмаганлиги сабабли булар асосан ёғочдан ясалган омоч, бўйинтуруқ асбоблардан иборат эди.

Шу сабабли ер омоч билан ҳайдаларди. Бу ерларнинг кесаклари темир тишли мола ёрдамида майдаланар ва умуман, экин майдони текисланарди. Мола бўйинтуруққа уланиб, хўкиз, туя, от, сигир ёки эшаклар воситаси билан судратиларди. Бундай молалар асосан бой табақаларда бўлган. Аҳолининг кўпчилиги эса тут ва қайроғоч таналаридан мола ясарди. Донли экинларни янчишда хўкиз, сигир, от, туя ва эшаклардан фойдаланиларди. Иш

хайвонлари ва меҳнаткашлар донли экинларни ўз оила аъзолари билан бирга таёклар ёрдамида янчардилар.

Мовароуннахрдаги экин майдонлари, асосан лалмикорлик ва обикорликка бўлинган. Лалмикорлик тоғли адир ва яйловлар бўлиб баҳорикор деб номланган. Бундай ерлар Бухоро хонлигининг Жиззах, Самарқанд ва Қарши бекликларида кўпроқ эди. Бу ерларга куз ойларида ва эрта баҳорда буғдой, арпа ва тарик экилар эди. Лалмикор ерларга қовун ва тарвуз ҳам экиларди.

XIX асрнинг 40-йилларида обикор, яъни сувли ерларга, асосан буғдой экиларди. Бу теромайи буғдой деб аталарди. Ўрта Осиё ерларида буғдойнинг бир неча хили унарди. Масалан, туяча (ёки туятиш) деган буғдой қаттиқ бўлгани учун чумчуқ, қарға каби қушлар уни чўқиёлмаган. Яна луччак буғдой экилган, унинг уни оқ бўлган. Қайроқи буғдой кўпроқ тоғли ерларга экилган. Шунингдек, лалми, баҳори номли оқ ва қизил буғдой хиллари бўлган. Бу хил буғдойлар Наманган томонларда кузги буғдой деб номланарди. Шундай қилиб, ўлка қишлоқ хўжалигида буғдой энг кўп экилган ва асосий даромад манбаи саналган<sup>1</sup>.

Хонликларнинг обикор ерларига арпа ва оқ жўхори, яъни қўқонжўхори, маккажўхори экиларди. Шоликорлик эса алоҳида ўрин тутарди. Оқ ва қизил шоли экилган. Бундан ташқари, қўноқ, тарик, мош, нўхат ва ловия етиштирилар эди. Чорва моллари учун озуқа сифатида беда кўп экиларди<sup>2</sup>.

Ўзбек хонликларининг Россия томонидан забт этгунига қадар ўлкада 50 минг десятина ерда пахта етиштириларди. Бу ерда асосан, Тошкент, Қўқон, Бухоро ва Хива пахта навлари экиларди. Хива пахта нави анча сифатли ва узун толали бўлган. Фарғона водийсида экилган пахта навлари эса Бухоро, ҳатто Эрон пахта навидан ҳам паст бўлган. Бухоро хонлигидаги пахта оқ тўда ва ғўзайи макка деб номланарди. Туркистон атрофидаги ерларда оз миқдорда бўлса-да, сўзана ва мала ғўза навлари экиларди. Лекин бу сўнгги навлар сифат жиҳатидан паст бўлиб, кам ҳосилли эди. Масалан, ҳайдалган ва

<sup>1</sup> Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент – Наманган, 1994. 115-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1956. 387-бет.

махаллий ўғит солинган бир таноб ерга 2 пуд чигит экиб, 15 - 20 пуд ҳосил, яъни 7-10 пуд тоза пахта олинарди. Дехқонлар кўпинча кузда ғўзапояни кўраги билан бирга ўриб олиб, томларга ёйиб қуритгандан сўнг, қўлда чувишарди. Шундай қилиб, жайдари ғўзалар яхши очилмас, пахтаси ҳам калта толали бўларди<sup>1</sup>.

Хива хонлигининг шимолий томонида каноп экилиб, бундан фақат арқон эшиларди. Қўқон ва Бухоро ерларида, Хива хонлигида, Самарқанд, Каттакўрғон ва Қарши томонларида тамаки яхши ҳосил берарди. Масалан, XIX аср ўрталарида Ургут беклигида ва Жумабозор томонларида 300 таноб ернинг ҳар танобидан уч ботмондан тамаки ҳосили кўтарилган. Яна рўян экиларди. У икки-уч йилда ҳосил берарди. Рўян бўёқчиликда ишлатилган. Рўян Россияга ҳам юбориларди. Фарғона водийсида ва Хива ерларида рўян тобора кўпроқ экиладиган бўлди. Фарғона қишлоқларида ўстирилган рўян Қашғар орқали Ҳиндистонгача олиб борилар эди<sup>2</sup>.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигида қадимги вақтлардан буён пиллачилик ҳам етакчи соҳа ҳисобланарди. Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларидаги аҳолининг ўтроқлашган қисми бу касб билан кўпдан шуғулланиб келарди. Айниқса, Самарқанд ва Бухоро атрофидаги аҳоли, Фарғона водийсида аса Хўжанд ва Марғилон теварак-атрофидаги аҳоли пиллачиликда жуда миришкор эди. Пиллачилик билан, асосан хотин-қизлар шуғулланарди. Аммо бу ишлар ибтидоий усулда бажарилганлиги учун пилланинг сифати паст, ҳосили кам бўларди. Масалан, ҳар ангишвона қурт уруғдан 8-9 қадок пилла олинарди. Ипакнинг бир қисми четга, айниқса Россияга чиқарилар эди<sup>3</sup>.

Ўзбек хонликларида боғдорчилик ва резаворчилик ҳам узоқ тарихга эгадир. Экинзорларда сабзи, пиёз, саримсоқ, қалампир, турп, шолғом, лавлаги ва шунга ўхшаш маҳсулотлар етиштириларди. Палакли ўсимликлардан қовун, тарвуз, бодринг ва ошқовоқ экиларди.

1842 йилда Бухорога келган рус шарқшуноси Н. Хаников полизчиликда

---

<sup>1</sup> Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи. – Т.: “Фан”, 1969. 107-бет.

<sup>2</sup> Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане. Конец XIX – начала XX вв. – Ташкент: 1969. Стр. 174.

<sup>3</sup> Соатов С.С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1973. 120-бет.

муҳим ўрин тутган қовуннинг ўн турини: кўкча, шерози, кашқари, бекзоди, шакарпалак, загорансафад, загорансина, бўрикалла, қорақиз ва борганой навларини зўр қониқиш билан таърифлайди. Яна у кечки қовунларнинг олти турини: обиновот, зармитан, қорақўтир, чоржўйи, қорақиз ва шакарпалак навларини кўрсатади. Умуман, Бухоро хонлиги ерларида қовуннинг 20 дан ортиқ тури, жумладан, амирий, гуврак, кўкаллапиш, тарак, дониёрий ва бошқа турлари, Хива хонлигида эса қовуннинг 15 дан ортиқ нави етиштирилган<sup>1</sup>. Х. Вамберининг кўрсатишича, Хива қовунлари ўзининг ширинлиги билан ҳатто бутун дунёда шухрат қозонган. Катталиги жиҳатидан ҳам бу қовунларнинг бутун Шарққа донғи кетган. XIX асрнинг 40-йилларида қовун уруғлари Россиянинг жанубига, ундан кейин Венгрияга ҳам тарқалган.

Фарғона водийси, Тошкент атрофларида ва ўлканинг бошқа томонларида узумнинг даройи хиллари ўсган. Масалан, Фарғона водийсида чарос, даройи, қора шивилғони, тагоби, ҳусайни, қора ҳусайни, соҳиби, ҳусайни-лўнда, қизил танери, туятиш, хўжа ахрор, ҳалили ва бошқа навлар етиштирилган. Ўлка боғдорчилигида турли хилдаги ўрик олча, олхўри, шафтоли, нок, нашвати, гилос, беҳи, анор, олма, анжир, бодом, жийда, тут каби меваларнинг энг яхши навлари ўстирилган. Боғбонлар янги мева навларини яратиш ва ривожлантиришда улама ва искана пайванд усулларида фойдаланар эдилар<sup>2</sup>.

Ўрта Осиёда қадимги замонлардан буён чорвачилик муҳим тармоқлардан бири ҳисобланган. Айниқса қўй, шу жумладан, қорақўл қўйи кўп боқилар эди. Қорақўл терилар қимматли бўлиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларига чиқарилар эди. Қорақўл қўйлар гўшт, ёғ ва сут маҳсулоти жиҳатидан ҳам хўжаликда муҳим ўрин тутарди Бундан ташқари, жайдари қўйлар боқиб кўпайтирилар эди. Бухоро хонлигида ҳисори қўйлар сергўшт, серёғ ва сержун бўлиши билан машҳур эди. Хонликнинг жанубида оддий катта чўл қўйлари ҳам боқиларди. Маймун зоти деб номланган бу қўйларнинг жуни узун толали бўлган. Шимолий томонда қирғиз қўйлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1956. 390-391-бетлар.

<sup>2</sup> Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган: 1994. 98-99-бетлар.

урчитилган. Ўрта Осиё ерларида яна аймақи оқ қўй ва эроний қўй зотлари боқилган. Қўқон хонлигида ҳам ҳисори қўйлар бўлган. Шунингдек, эчки боқиш кенг тарқалган эди. Ўлка чорвачилигида сигирлар муҳим ўрин эгалларди.

Ўрта Осиёда йилкичилик анча авж олган эди. Хива хонлигида аргамаки деган туркман зотли отлари, қирғиз отлари ва қорабайир отлари боқиларди. Бухоро хонлигида ҳам асосан шундай отлар бўлган. Бухоро қорабайири номи билан юритилган отлар узун бўйли ва хушбичим, туркман отлари баланд ва узун оёқли бўларди. Яна, ҳисори отлар, қирғиз отлари ва Бухоро тоғ отлари боқилган. Бундай отлар Ҳисор ва Қоратегин, Кўлоб ва Бойсун бекликларига қарашли ерларда кўп бўлган. Миёнкал зоти деб юритиладиган отлар ҳам бўлган. Ургут ва Ўратепа томонларда эса ўзларига хос от зотлари урчитилган. Қўқон отлари зоти жуда яхши ҳисобланган. Қўқон хонлиги ерларида ҳам, Бухоро ва туркман отларига ўхшаш отлар бўлган. Аргамаки деб номланган туркман отлари, айниқса қирғиз майда отлари кўп тарқалган. Бухорога келтирилган туркман отлари, ўзбек ва қўқон зотли отлар бўларди.

Ўрта Осиёда туячилик муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чорвадорларнинг ўз мол-ҳоллари билан кўчиб юришларида, хонликлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда, Ўрта Осиё билан Россиянинг ўзаро иқтисодий алоқаларида туя асосий юк ташувчи чидамли хайвон сифатида муҳим роль ўйнаган. Туялардан ҳарбий юришларда ҳам фойдаланилган. Аҳоли эшакдан иш хайвони тариқасида фойдаланиб келган.

Шуидай қилиб, XIX асрнинг иккинчи чорагида Ўрта Осиё ерларидаги кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар қўлида ҳамда ўтроқлашган аҳоли хўжалигида юқорида кўрсатилган чорва моллари бўлган.

### **3.2. Қишлоқ хўжалигидаги солиқ тизими**

XIX аср ўрталарида Бухоро хонлиги бир нечта вилоятлардан иборат эди. Хонликнинг Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ўз навбатида, туманларга бўлинар эди. Улар ҳам солиқ майдонларига бўлинар эди. Ҳар бир вилоятнинг

бошида арабча ҳоким, ёки мир, ўзбекча бек деб аталадиган бошлиқ турар эди. Вилоят марказларидан жуда узоқда бўлган жойларда ҳокимларнинг вакиллари ёки ёрдамчилари турар эди. Солиқ майдонлари устидан турган амалдорлар ўзларига бўйсунувчи пастки маъмурлар: оқсоқоллар, аминлар, мироблар ва бошқалар орқали давлат солиқларини ундириб олар эдилар. Вилоят ҳокими солиқларни ўз вақтида тўла ундириб олишда масъул шахс ҳисобланар эди. Вилоят ҳокимлари ва амалдорлари қошида тартибот вазифаларини бажарувчи навкарлар бўлар эди. Қишлоқларда ҳукумат доруғалар кўлида эди. Ҳар бир йирик қишлоқ ёки бир неча майда қишлоқларнинг ўз доруғаси бор эди<sup>1</sup>.

Бухоро хонлигининг ҳамма амалдорлари маълум таъминот олмас эдилар. Улар байрамларда чопонлар ва пул инъомлари, ер-мулк, танҳолар олиб, аҳолидан турли туман солиқлар олиш ва мажбуриятлар юклаш ҳисобига яшар эдилар. Давлат бюджетининг харажатлари ва даромадлари йиллик рўйхатининг йўқлиги ҳам бунга имкон берар эди. «Дафтар рўйхати», яъни ҳар бир вилоятнинг солиқ рўйхати шаҳарнинг кушбегиси ва девонбегисидан яширинча тузилар ва шунга кўра, солиқ тўловчилар кимга қанча солиқ тўлашни, амалдорлар эса, кимдан қанча солиқ ундириб олишни билмас эдилар. Ҳоким фақат бир нарсани – амирга бир йилда ўз вилоятидан дафтар рўйхати бўйича қанча солиқ йиғиб беришни билар эди, холос.

Хива хонлиги ҳам округларга бўлиниб, округлар, ҳокимлар баъзан эса, қозилар томонидан идора қилинар эди. Хива хонлигининг Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйидаги шаҳарларга ёндош бўлган ерларидаги аҳоли солиқларнинг кўпчилигидан озод эди ва кўпинча хонларнинг қариндош-уруғларидан бўлган кишилар томонидан идора қилинар эди.

Хива хонлигида шаҳарларни идора этиш ҳокимлар, уларнинг ёрдамчилари – юзбошилар ва оқсоқол (кадхудо)лар кўлида эди. Қишлоқларда маъмурий тартибдаги ҳамма ишларни оқсоқоллар олиб борар эдилар, бундан ташқари, улар аҳолидан солиқларни ҳам ундириб олар эдилар. Суғориш учун

---

<sup>1</sup> Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2012. 338-бет.

сув тақсимлаш ишларини махсус кузатувчилар – мироблар олиб борардилар.

Бухорода ҳамма солиқлар ичида энг аҳамиятлиси хирож эди, чунки бу солиқ хонликларда катта қисмни ташкил этган давлат ерларидан олинар эди.

Хирож ҳосилнинг қисми ҳисобидан натура билан тўланар эди. XIX асрда фақат йирик шаҳарлар атрофида ва баъзи бошқа ерларда хирожнинг бир қисмини пул билан йиғиб олина бошланди<sup>1</sup>.

Қанча хирож тўланиши қуйидагича белгиланар эди. Ҳосил етилган пайтда амлоқдор (солиқ йиғишни бошқарувчи амалдор) ўз кишилари билан деҳқонлар даласига чиқиб борган. У ерда уни қишлоқ амини ёки оқсоқоли ва деҳқонлар кутиб олганлар. Амлоқдор дала неча таноб<sup>2</sup> эканлигини кўз билан чамалаб ўлчаган ва қанча хирож тўланишини белгилаган. Агар деҳқонлар амлоқдорларнинг ўзбошимчалигига қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилсалар ва оқсоқол ҳамда ўз қўшнилариининг гувоҳлиги бўйича ўтган йиллардаги солиқ маълумотларини айтиб, уларга қарши чиқсалар, улар деҳқонларни бутунлай хонавайрон қилишлари мумкин эди. Ўтиб кета туриб, шошма-шошарлик билан белгиланган хирож миқдори кўпинча амлоқдорларнинг афсонавий тўқималаридан иборат эди. Амлоқдор келиб кетгандан кейин бир неча кун ўтгач, у солиқ рўйхатига ўз муҳрини босар ва қишлоқларга жўнатар эди. Бундай рўйхатлар тузилиб, қўлга теккандан кейингина деҳқонлар ҳосилни ўриб-йиғиб олишлари мумкин эди. Кўпинча амлоқдорлар далага чиқишга кечикканлари туфайли пишиб етилган буғдой хавф остида (дўл уриши, чигиртка тушиши, доннинг тўкилиб кетиши ва ҳоказо) қолар ва кутилгандан анча кам ҳосил олишга тўғри келар эди. Шунга қарамай амлоқдорлар деҳқонлардан белгиланган солиқнинг ҳаммасини ундириб олар эди.

Хирожга капсан ҳам қўшилар эди. Капсан амлоқдор фойдасига ундириладиган махсус солиқ эди. Ҳамма донли экинлардан (ҳар ўн ботмон дон ҳисобидан ярим пуд) ва пахтадан (ҳар ўн ботмон пахта ҳисобидан 15

---

<sup>1</sup> Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI-первой половине XIX века. Том 1. – Т.: 1966. Стр. 167.

<sup>2</sup> Таноб – ер ўлчов бирлиги. Бухоро ҳисоби билан бир таноб ер 2500 м<sup>2</sup> га тенг бўлган.



кадоқ) капсан берилар эди. Сўнг кафсаний доруға солиғини тўлаш керак эди. Бу солиқ доруға фойдасига йиғиларди. Ниҳоят, муштак (бир ҳовуч) — аминга, оқсоқолга ва хирожга тўланган маҳсулотларни топширишда катнашган бошқа кичик амалдорларга деб солиқ йиғиларди. Одатда муштакда ҳар бир хўжаликдан бир ҳовучдан эмас, балки 2-3 килограммдан буғдой ва жўхори олинар эди. Ва оқибатда кўпинча деҳқонларда қолган дон уруғликка зўрға етар эди.

Ҳосил ўрилгандан кейин, янчилиб, буғдой хирмонга тўкилган бўлса, деҳқонлар ундан озгина бўлса ҳам олаолмасин учун алоҳида кузатувчилар томонидан махсус лой муҳрлар билан муҳрланган.

Шундай қилиб ер солиғини ундириб олишнинг ҳамма системаси ўзбошимчаликка асосланган бўлиб, деҳқонларни ҳаддан ташқари хонавайрон қилар эди. Бунга яна амир - хонликнинг бирон жойидан ўтаётганда руҳонийлар фойдасига, қўшинларнинг юриши вақтида ва бошқа ҳолларда шу деҳқонлардан йиғиладиган турли солиқлар ва мажбуриятларини ҳам қўшиш керак бўлади.

Бошқа солиқлардан муҳими закот — мол-мулкдан олинадиган давлат солиғи эди. Бунда мол-мулк баҳосининг тахминан қирқдан бир қисми ҳажмида тўланар эди. Бундай йиғимларда маҳсулотлар солиғи, шунингдек, савдогарларнинг маҳсулот сотиб олиш учун келтирган пуллари даромад манбаи ҳисобланар эди. Шуниси ҳам бор эдики, савдогар ўз маҳсулотини бир жойдан иккинчи жойга неча марта олиб борган бўлса, у ўз молларига шунча марта закот бериши керак эди. Бундай ҳолда закот савдогарларни жуда оғир аҳволга туширувчи, маҳсулотларни истеъмол этувчиларни ташвишга солиб қўювчи ва солиқ йиғувчиларни бойитувчи ўзига хос ички божга айланган.

Чорвачилик районларида ҳайвонлардан олинадиган закот натура (беш туядан бир қўй, қирқ қўйдан бир қўй ёки бир эчки) билан ундирилган. Бунинг устига маҳаллий ҳоким фойдасига закот солиғининг яна бир тури — “закот-чакана” ҳам ундириб олинган.

Биринчи манғит хони Муҳаммад Раҳим томонидан Бухорода,

қўнғиротлиларнинг биринчи хонлари томонидан Хивада, минглар томонидаи Қўқонда қўп янги солиқлар жорий этилган.

Уруш бўлиб қолса, аҳолидан одатдагидек, фавқулодда солиқ (жул) йиғиб олинар эди. Амир Музаффар аминона термини билан юритилган махсус солиқ жорий қилган эди. Бунда махсулот ва мол-мулк нархининг 1,5 фоизи миқдорида солиқ тўланар эди. Замонлар ўтиши билан у доимий солиққа айланиб борди ва тўловчиларнинг қаршилигига қарамай, Бухоро амирлигида 1920 йилгача мавжуд бўлиб келди. Баъзан уни махсус ижарахўрларга топширар эдилар.

Закот ва аминонадан ташқари, даллол солиғи, бир вилоятдан иккинчи вилоятга олиб ўтиладиган товарлар, умуман юклардан олинadиган божлар ҳам савдо йиғимларига кирар эди. Товарнинг нархи уни дастлаб олиб кетилган жойдан олиб борилган жойгача бўлган масофанинг узоқ-яқинлигига қараб олинadиган бож ва бунинг устига закот қўшилиши сабабли анча ошар эди. Яна бунга товарларни қайиқларда дарёлардан олиб ўтилгани учун олинadиган солиқ (сув пули)ни, бозордаги жой пулини ва бошқа солиқларни ҳам қўшиш керак эди<sup>1</sup>.

Дехқончилик қилувчи қишлоқ аҳолиси қонунлаштирилган ер солиғидан ташқари, ҳар бир таноб боғ ёки полизга махсус солиқ (таноб пули), бедазорга алаф пули тўлаган. Қўпинча, бу икки солиқ умумий термин билан танобона ёки юқорида айтилганидек таноб пули деб аталган. Бу солиқларнинг миқдори ерларнинг бозорларга яқинлигига ва бошқаларга кўра жуда хилма-хил бўлган. XIX асрнинг 50 йиллари охирларида амир Насрулло (1827-1860 йиллар) даврида бу солиқларга ўзгартиришлар киритилди. Зарафшон бўйидаги бир қанча деҳқонлар жамоаси полизлари ўз уйларида узоқ бўлгани ва уларга яқин жойлардаги полизларга қараганда у ерларни ишлаш оғирлигини айтиб, таноб пулини камайтиришни илтимос қилдилар. Амир бу илтимосни қондирди ва полиздан олинadиган махсус солиқ – “қўш пули” жорий этилди. Бунда омовга қўшиладиган бир жуфт қўш ҳайвонига ва бир

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1956. 376-бет.

мавсумда 48 - 50 таноб ерни ишлай олиш қувватига қараб солиқ солинар эди. Кейинчалик бу солиқ бошқа солиқларга қўшимча разишда ҳамма деҳқонларга солинадиган бўлди. Деҳқон полизчилик қиладими-қилмайдими барибир, бу солиқни тўлашга мажбур эди. XIX асрнинг ўрталарида Самарқанд туманларида ерларнинг суғорилишига, унинг иқтисодий фаровонлигига, бозорга узоқ-яқинлигига ва бошқаларга қараб, ҳар бир жуфт иш ҳайвонидан олинадиган қўш пули кумуш ҳисобида 1 сўм 20 тийин билан 4 сўм атрофида эди<sup>1</sup>.

Бундан ташқари иш ҳайвонларидан олинадиган махсус йиғим (яксара) ҳам мавжуд эди. Бунда ҳар бир жуфт от ёки ҳўкиз ҳисобидан бир ботмон чамасида буғдой ундириб олинар эди. Кимда бир бош иш ҳайвони бўлса, у ярим ботмон (нимсара) буғдой бериши керак эди. Сув тегирмонлари ва обжувозларнинг эгаларидан ҳам маълум миқдорда пул ёки натурал йиғимлар ундириб олинган<sup>2</sup>.

Хива хонлигида давлат ерларида яшаган деҳқонлар форс термини билан “дахяк” ёки арабча “ушр” деб аталган солиқни тўлаганлар. Чиғирик ёрдами билан суғориладиган ерлардан ҳосилнинг ўндан бир қисми, чиғириксиз суғориладиган ерлардан эса ҳосилнинг бешдан бир қисми олинган.

Хусусий ерларга солинадиган солиқ у ер қандай тоифага мансуб бўлишига боғлиқ бўлган. Ёрлиқли мулк, яъни давлат ерларидан хон ёрлиғи билан бирор шахснинг фойдаланиши учун ажратиб берилган ёрлиқли хусусий ерлардан олинадиган ер солиғи (дахяк) ўрнига пул билан (салғут) олинган. Аҳолининг қадимдан хусусий мулки ҳисобланган одатдаги хусусий ерларга ҳам салғут билан солиқ солинган. Адай мулк (халқ тилида атай мулк) ерларидан ер солиғи эмас, балки ҳовли пули солиғи ундириб олинган. Бу солиқнинг миқдори солиқ тўловчи мол-мулкнинг кўп-озлигига қараб белгиланган. Ҳовли пули солиғи даромад солиғига ўхшаш бўлган. Адай мулкда яшаган ерсиз ижарадорларга ўз мол-мулкларининг кўп-озлигига

---

<sup>1</sup> Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI-первой половине XIX века. Том 1. – Т.: “Фан”, 1966. Стр. 178-179.

<sup>2</sup> Кўрсатилган адабиёт. 180-бет.

қараб солиқ солинган, ёки улар махсус жон солиғи тўлаганлар. Вақф ерлардаги ижарачиларнинг аҳволи оғир бўлган. Улар салғутни давлатга ва дахякни ўз вақф идоралари фойдасига тўлаганлар<sup>1</sup>.

Дехқонлар турли-туман натурал мажбуриятларни ҳам бажаришга мажбур бўлганлар. Улар суғориш каналларини қазир, тўғонлар қуриш ва таъмир қилиш ишлари ва бошқалар айниқса оғир бўлган.

Сув назорати маъмурларининг таъминоти ҳам деҳқонлар устига юкланган.

Дунёвий ва диний арбобларнинг ерлари кўпинча хоннинг махсус ёрлиқлари билан солиқлардан озод қилинган. Бундай кишилар турк-форс сўзи билан “ёрлиқдор” деб аталганлар. Навқарларга қаршли бўлган ерларга ҳам солиқлар солинмаган.

Савдо ишларида белгиланган закот йиғими, тарози пули ва бошқа солиқлардан ташқари, Хива хонлигининг савдо марказлари (Урганч, Хонқа, Хива, Гурлан ва бошқалар)даги савдогарлар ҳар йили хонга «бой пули» солиғи (бойлардан олинадиган пул) тўлаганлар. Хон бу солиқни ҳамма бой савдогарларга ўзи хоҳлаганича солган. Савдо шаҳарларига ёрлиқлар юборилар ва ёрлиқларда ҳар бир шаҳардан хон хазинасига қарз тариқасида маълум миқдорда пул юборилиши керак эди. Лекин олинган бу пуллар эгаларига қайтариб берилмас эди. Белгиланган пул шаҳар аҳолисига тақсим қилиб ундирилар эди. Бу ўзига хос қарз олишлар бир йилда икки-уч марта такрорланар эди.

Хон ҳокимияти қозоқлардан ва қорақалпоқлардан чорванинг сонига қараб чорва учун қирқдан бир миқдорда закот ундириб олар эди. Бундан ташқари, Амударёнинг ўнг қирғоғида пода эгаларидан бутунлай ўзбошимчалик билан ундириб олинадиган солиқ – “торчўп” бор эди. Бунда қирғоқ бўйлаб кетган туманлардаги янтоқни мол егани учун солиқ олинар эди. Тўқайдан ўтган ҳар бир подадан бир бош қўй олинган.

Солиқларни, айниқса дахяк солиғини йиғишда кучли суистеъмоллар

---

<sup>1</sup> Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. – Т.: “Фан”, 1959. 154-бет.

қилинган.

Қўқон хонлигида солиқ системаси Бухоро хонлигининг солиқ системасига ўхшаш бўлган. Бу ерда ҳам донли экинларга хирож солиғи, токзорлар, боғлар, полизлар ва техника экинлари экилган ерларга таноб солиғи, товарлар, мол-мулк ва чорвага закот солиғи солинган. Хоннинг шахсан ўзига карашли бўлган қишлоқлардан “хослик” солиғи ундириб олинган. Бу солиқдан тушадиган даромад солиқ йиғувчи амалдорларга берилмаган, балки хоннинг шахсан ўзига ёки махсус фармон бўйича, маълум сарой аёнларининг эҳтиёжлари учун берилган.

Бу одатдаги солиқлардан ташқари, хонлар кўпинча янги солиқлар ва ноҳақ йиғимлар солардилар. Бундай солиқлар солишда айниқса Қўқон хони Худоёрхон бошқа хонлардан фарқ қилар эди. У мева бермайдиган дарахтларга ва аҳоли томонидан ўтин сифатида фойдаланадиган ёввойи ўтлар (янтоқ ва бошқалар)га, пойтахтга келтириладиган пичанларга, тоғ ўрмонларидаги дарахтларни куйдириб тайёрланган кўмирга ҳам солиқ солар эди. Шу хон даврида бўшаб қолган хазинани турли-туман мусодаралар, чайқовчилик қилиш ва бошқа йўللар билан тўлатилар эди.

Кўп сонли солиқлар меҳнаткаш халқларга энг оғир юк эди. Бухоро амирлигидаги асосий солиқлардан бири хирож эди. Деҳқонлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бешдан бир қисмидан тортиб то ўндан биригача хирож тариқасида амирликка тўлар эдилар. Асосан мулки хирож ва амлок ерлар ҳосилининг бешдан бири, мулки ушр ерлар ҳосилининг ўндан бир қисми олинар эди. Баъзи вақф ерлардан ҳам солиқ олинарди. Солиқ тўловчи деҳқонларнинг хирмон қилгандан сўнг, хирож йиғувчи амалдорлар келмагунча хирмонга қўл тегизишга ҳақлари йўқ эди. Амалдорлар келиб, хирмонни ўлчаб, тегишли хирожни олишар ва уни тезда хоннинг ғалла омборига етказиб беришга деҳқонларни мажбур қилишарди<sup>1</sup>.

Бундан ташқари деҳқон миробга, оқсоқолга, руҳоний ва бошқаларга ҳам капсан тўлашга мажбур эди. Яна таноб солиғи мавжуд эди. Бу солиқ пул

---

<sup>1</sup> Соатов С.С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1973. 97-бет.

билан олинарди.

Ер ўлчаш пайтида амалдорлар ҳоким табақаларга қарашли ерларни пора олиш йўли билан кам кўрсатишарди, пора бериш имкониятига эга бўлмаган меҳнаткашларнинг оз ерларини кўп қилиб кўрсатиб, майда деҳқон хўжаликларини хонавайрон қилар эдилар.

Ҳисобга олинган боғ ва экин майдонлари рўйхати бекка топширилиб, унинг тасдиғидан кейин, ҳар йили куз ойларида таноб солиғи йиғиб олинар эди. Ҳар бир танобдан 16 тангадан 20 тангагача солиқ олинар эди. Беда экилган ерларнинг ҳар танобидан 6 танга олинарди. Бу солиқ бек ва амалдорларга қарашли саркорлар, мироб ва оксоқоллар ёрдами билан йиғиларди.

Савдогарлар даромадининг қирқдан бири, яъни икки ярим фоизи, рус, ҳинд, яҳудий савдогарлари каби бошқа диндаги савдогарлардан 5 фоизи миқдорида солиқ ундирилган. Чорвадор хўжаликлардан чорва молларининг ҳар қирқ бошидан бир бош миқдорида закот олинарди. Бундан ташқари, бозорларда сотиладиган барча нарсалардан ҳам алоҳида солиқлар ундирилган<sup>1</sup>.

Бухоро амирлигида кўплаб солиқ турлари мавжуд бўлиб, ҳатто амир Шоҳмурод “қўш пули” солиғини жорий қилган. Ҳар жуфт иш ҳайвони ҳисобидан, яъни ҳар жуфт хўкиз ва от ҳисобидан бир-бир ярим ботмон ғалла олинган. Бу солиқ тури яксара деб ҳам аталган.

Сув тегирмонларидан “осиё пули” деб аталган тўлов олинарди, бу солиқ 20 тангадан 100 тангагача миқдорни ташкил этган. Обжувозлардан ҳам шу миқдорда солиқ олинган. Ҳар ботмон ғалладан бир пуд миқдорида капсан ҳам ундириларди. Мироблар эса ҳар жуфт иш ҳайвонидан бир ботмондан ғалла солиғи (миробона) олар эдилар.

Амлоқдорлар, яъни бекларнинг хизматчилари учун деҳқонларга “капсандарга” солиғи солинган. Шунингдек, сув йўли пуллари олинганлиги ҳам маълум. Бошқа динда бўлганлардан, жумладан, яҳудий, лўли, ҳинд ва

---

<sup>1</sup> Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Т.: “Фан”, 1965. 113-114-бетлар.

бошқалардан ҳар йили 12 тангадан 48 тангагача “жизья” солиғи олинган.

Хонликларда юқорида кўрсатилган солиқлар миқдори урушлар даврида ошириб турилар эди. Масалан, 1812 йилда Қўқон билан Бухоро ўртасидаги уруш вақтида ҳар иккала хонликда фавқулодда уруш солиғи жорий қилинган эди. Шу солиқ бўйича Бухоро амири 80 минг тилла, яъни XIX асрнинг 50-йилларидаги рус пули билан 960 минг сўм йиғиб олган эди. Ҳарбий юришлар вақтида аҳолидан отлар учун беда ва ем ҳам олинар эди. Умуман, Бухоро амирлигида 55 дан ортиқ хилма-хил солиқ турлари бўлган.

Айрим йилларда Бухоро амирлигининг турли солиқлар ва бошқа манбалардан келадиган йиллик даромади 10 миллион сўмга етар эди. Даромаднинг бир қисми давлат бошқарувидаги амалдорларга ва 25 минг отлик ҳарбий кучларнинг бошлиқларига иш ҳақи тариқасида тўланса, унинг энг катта қисми амирнинг шахсий хазинасига келиб тушар эди. Кўп ҳолларда амирлар солиқдан тўпланган пулларни шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборар эдилар. Шунинг учун амирликдаги даромад буромадга етмасдан, кўпинча катта бой, судхўр ва савдогарлардан қарз пул олиб турилар эди. Бу айниқса, Насруллоҳон замонида кучайган эди<sup>1</sup>.

Хива хонлигида солиқлар асосий даромад манбаи бўлгани сабабли уларни халқдан йиғиш ишларига хоннинг айрим вазирлари бошчилик қилишарди. Солиқларни йиғиш даврида хонлик икки қисмга бўлиниб, ҳар бир қисмга алоҳида вазир раҳбарлик қиларди. Масалан, хонликнинг жанубида – Патник шаҳридан то Урганчгача бўлган ерлардаги аҳолидан бош вазир – қушбегининг ўзи, хонликнинг шимол томонида — Урганчдан то Қўнғиротгача бўлган жойлардаги аҳолидан молия вазири солиқларни ундираар эди. Савдо қарвонларидан олинадиган солиқни ҳам молия вазири бошчилигида йиғиб олинар эди.

Хива хонлигида асосий ва энг катта солиқ — хирож эди. Бу солиқ Муҳаммад Раҳимхон даврида (1806-1825 йиллар) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ғалла билан олиб келинган. Раҳимхон эса уни пул билан

---

<sup>1</sup> Сагдуллаев А.С., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: “Академия”, 2000. 188-бет.

олишни жорий қилган. Бу солиқ кўтарилган ҳосилдан эмас, балки ер эгасининг хўжалиги ва ер майдонига қараб олинар эди. Ҳар бир оила бир қозон ёки бир ўчоқ ҳисобланиб, шундан солиқ олинар эди. Агар оила бир неча хўжаликка бўлиниб кетса, уларнинг ҳар қайсисига алоҳида-алоҳида солиқ тўлатиларди. Шунинг учун бу солиқ қозон (ўчоқ) ёки уй солиғи деб номланар эди. Йилига бир хўжаликдан ярим тилладан уч тиллагача солиқ олинар эди. Бу солиқни ҳамма, ҳатто ҳарбий хизматчилар, хон амалдорлари ва қариндошлари, шу солиқни йиғиш ишларига бевосита бошчилик қилувчи вазирлар ҳам тўлар эдилар. Фақат руҳонийлар, хўжа ва муллаларгина бу солиқдан озод қилинган эди. Уруш ва хоннинг юришлари вақтида хон кемаларида юк ва ҳарбий кучларни ташувчи кишиларгина қозон солиғидан озод қилинар эдилар. Шундай қилиб, хон қозон солиғидан ҳар йили 100 минг тилла, яъни қоғоз пул билан 1 миллион 500 минг сўм тўплар эди<sup>1</sup>.

Хонликдаги иккинчи хил катта солиқ – закот бўлиб, бу асосан кўчманчи чорвадорлардан (қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз ва туркманлардан қирқ қўйдан бир қўй ҳисобида) олинарди. Лекин бу солиқ қўйнинг нархи асосида пул билан, ҳар 40 қўйдан 10 аббаз пул миқдорида олинар эди. Туя, от ва шохли молларнинг ҳар 40 бошидан 5 тилладан закот олинар эди. Лекин хон закотчилари кўчманчи чорвадор халқларнинг ҳайвонларини ҳисобга олиш пайтида уларнинг сонини кўпроқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишарди. Бу солиқларни йиғиш вақтларида қонли тўқнашувлар бўлиб турарди, қаршилик кўрсатган қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман аҳолисини қирғин қилинар ва молларини тортиб олинар эди. Хон закотчилари устидан назорат қилинмаганлиги ва улардан ҳисоб олинмаганлиги туфайли улар кўчманчи чорвадорлардан закотларни бир неча марта ортиғи билан ундириб, халқни талар эдилар.

Савдогарларнинг молларидан 2 фоиз, бошқа диндаги савдогарлардан 5 фоиз миқдорида, бозорлардаги ҳунармандлар сотадиган ҳамма нарсалардан, барча савдо дўконларидан ҳам закот олинарди. Бутун хонликда ҳар йили

---

<sup>1</sup> Соатов С.С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1973. 111-112-бетлар.



савдо дўконларидан 50 минг сўм закот йиғиларди. Умуман олганда, хоннинг закотдан йиғилган йиллик маблағи бир миллион сўмга борар эди.

Хоннинг деҳқонларга турли шартлар билан ижарага берган ерлари энг катта даромад манбаи эди. Бундай ерлардан йилига 150 минг ботмон ғалла тўпланар эди. У ўз қўлидаги 38 та боғни, каналларни, савдодан даромад келтирадиган шаҳар ва қишлоқларни ҳам ижарага берарди.

Хон чет эллар билан савдо қилувчи карвонбошилардан солиқ, феодал урушлари даврида қўлга туширилган ўлжаларнинг ўндан бирини олар эди. Амударё бўйида ва Орол денгизи атрофида кўпгина қўллар Хива хони назорати остида бўлиб, бу жойлардаги дарахтзор ва қамишзорлар ҳамда бошқа бўш ерлар хонники ҳисобланарди. Бу ерлардан ёғоч кесган ва қамиш ўрган кишиларнинг ҳар бир туясига ортилган юкдан бир сўмдан ҳақ олинар эди. Шоҳобод атрофидаги йўллардан ўтган карвонлардан ва ҳайвонлардан ҳам алоҳида солиқ олинарди.

Юқоридаги солиқлардан ташқари, шаҳар савдогарлари ва хунармандларига бой пули деган солиқ солинган. Хон бу солиқни йиғиш вақтида шаҳар ҳокимига алоҳида ёрлик юборар эди. Бунда хонга топшириладиган пуллар миқдори кўрсатиларди. Бу солиқ хонга бериладиган қарз пул деб ҳам номланар эди. Зарур бўлиб қолганда бундай пуллар бир йилда икки-уч марта йиғиб олинарди. Умуман олганда хонликнинг даромади XIX аср 30- йилларининг охирида 2 миллион сўмни, 1842 йилги маълумотга кўра, 2 миллион 785 минг сўмни ташкил қилган. XIX асрнинг 50- йилларининг бошларига келиб хонликнинг даромади 3 миллион сўм атрофида бўлган<sup>1</sup>.

Аммо хонликнинг харажатлари даромадга нисбатан кўп бўлар эди. Маблағнинг энг кўпи феодал урушларга ва ҳарбий кучларга сарф қилинарди. Хонлик даромадининг фақат 22,5 минг сўмигина маориф ишларига, шу жумладан, мадрасаларга сарфланарди. Қолган қисми хоннинг моддий-маиший ҳаётига ва мансабдорларга харжланарди.

---

<sup>1</sup> Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. – Т.: “Фан”, 1959. 156-бет.

XIX асрнинг 30-40 - йилларида Қўқон хонлигидаги ҳар турли солиқлар сони 27 тага етган эди<sup>1</sup>. Солиқ ишлари билан алоҳида амалдорлар шуғулланишарди. Мирза дафтар вазифасини бажарувчи мансабдор уларнинг асосий бошлиғи ҳисобланарди. Мирза дафтар хон фармони асосида бекликларга солиқ миқдори кўрсатилган фармойиш жўнатарди. Беклар томонидан тайинланган саркорлар солиқни аниқлаш ва йиғиш ишлари билан шуғулланишарди. Ҳар бир саркор, ўз навбатида, қўл остидаги ходимларини бекликдаги солиқларни аниқлаш ва йиғиш ишларига сафарбар қилар эди.

Қўқон хонлигида хирож, таноб ва закот солиқлари бўлган. Қозоқ ва қирғизларга бошқача солиқ солинар эди. Масалан, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ғаллакор қозоқлардан ҳосилнинг учдан бир қисми олинар эди. Хонликда донли экинлардан олинадиган солиқлардан кўп миқдорда ғалла тўпланарди. Масалан, Қўқон атрофидан 800 - 900 чорак турли ғалла, Тошкент беклигидан 600 минг чорак, Наманган беклигидан (Тўрақўрғон ва Чуст билан бирликда) 800 минг чорак, Ўратепа беклигидан 200 минг чорак, Риштондан 12 000 чорак, Толмозор, Қува ва Шаҳрихондан 160 минг чорак шоли ва 200 минг чорак ғалла, Марғилон ва Ёрмозордаи 200 чорак дон хирожи олинарди. Лекин баъзи ерларда хирож солиғи пул билан ҳам олинар эди<sup>2</sup>.

Умуман хонликда хирож тариқасида кўп миқдорда буғдой, арпа, жўхори, шоли ва бошқа хил дон маҳсулотлари тўпланар эди. Хон бу донларнинг бир қисmini ўз хизматчилари ва ҳарбий кучларига берарди. Унинг бир қисmini бозорда соттирарди, қолган қисmini ҳар пуд ғаллани бир ярим пуд қилиб қайтариш шарти билан қарзга кўп сонли мухтож деҳқонларга берар эди. Хоннинг ғаллани оғир шартлар билан қарага бериш усули деҳқонлар оммасини қаттиқ жабрлар эди. Бу усул меҳнаткаш деҳқонларни иқтисодий жиҳатдан хон ва катта ер эгаларига қарам қилиб қўяр эди.

Солиқни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлаш имконияти бўлмаган ерлардан, яъни боғ, резавор, беда ва пахта майдонларидан таноб

---

<sup>1</sup> Жуовонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Т.: “Фан”, 1965. 116-бет.

<sup>2</sup> Кўрсатилган адабиёт. 117-бет.

солиғи олинарди. Таноб солиғи ўзгариб турар эди. Масалан, Қўқон хонлигида XIX асрнинг ўрталарида резавор ер ва боғларнинг ҳар танобидан 3 тангадан 11 тиллагача солиқ олинган.

Қўқон хонлигида закот солиғи Бухоро хонлигидаги каби тартибда олинарди. 40 тилладан ортиқ маблағ ва чорва молига эга бўлганларнинг ҳаммаси қирқдан бирини хонга тўлашга мажбур эди. Тошкент беклигида закот солиғини йиғиш ишларига алоҳида эътибор берилиб, закотчилар ҳарбийлар ва савдогарлардан тайинланарди. Шаҳардаги ҳар бир бозорда закотчилар бўлиб, сотилаётган нарсаларнинг қийматига қараб, 2,5 фоиз ҳисобидан закот ундиришарди<sup>1</sup>.

Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Оқмачит атрофларида яшовчи қозоқлардан солиқ ўтин, кўмир ва хас-хашак билан олинган. Масалан, ҳар бир қозоқ овулидан йил давомида 24 қоп кўмир, 4 хўкиз саксовул ўтини ва минг боғ пичан олинган. Бу ердаги аҳоли солиқларни тўлашдан ташқари, айрим мажбуриятларни текин ишлаб беришга ҳам мажбур эди. Масалан, Сирдарёнинг қуйи оқимида яшовчи қозоқлар Қўқон хонлигига қарашли жойларда ҳарбий қўрғонлар қуриш, ҳарбий амалдорларнинг ерларида ишлаш учун ҳар овулдан бир кишини бир ҳафтага жўнатишга мажбур эдилар. Узоқдаги қозоқ овуллари қурилиш ишларига қатнаша олмагани сабабли улардан қўй ва бошқа чорва моллари олинар эди<sup>2</sup>.

Ҳарбий қўрғонлардаги отхона, молхона, ғалла омборлари ва бошқа жойларни тозалаш ишларига ҳар йили олти марта барча қозоқларни қувиб келинар эди. Бундай меҳнат мажбуриятини хонликка қарашли деҳқонлар бажаришар эди. Улар йўл ва кўприклар қуришда, янги ариқлар чиқариш ва тозалашда, хоннинг экин майдонларида мажбуран ишлатилар эди. XIX аср ўрталарида мажбуран текин ишлаб бериш системаси янада кучайтирилди. Масалан, Маҳрамдан Қўқонгача, ундан Андижон ва Марғилонгача катта йўл қуришда ўша атрофдаги деҳқонлар мажбуран ишлатилган эди.

Хоннинг Ёрмачит атрофидаги катта ер майдонларида шоли экиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1956. 376-бет.

<sup>2</sup> Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган: 1994. 100-бет.

ишларини меҳнаткаш деҳқонлар мажбуран бажарар эдилар. Андижон, Марғилон ва бошқа жойларда хонга қарашли шолিপояларда деҳқонлар текинга ишлатиларди.

Қўқон хонлигининг солиқлардан йиғиладиган йиллик даромади рус қоғоз пули билан 29 миллион 166 900 сўмга етганлиги ҳақида маълумотлар сақланган<sup>1</sup>.

Умуман, хонликлар даврида жорий этилган турли-туман солиқлар оддий меҳнаткаш аҳоли елкасига оғир юк бўлиб тушар эди. Хонлар ва амалдорлар тобора янгидан-янги солиқ ва мажбуриятларни жорий этиб, кўп ҳолларда аҳолининг манфаатларини эмас, ўз шахсий манфаатларини ўйлар эдилар. Бу эса меҳнаткаш аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашувига ва ишлаб чиқариш даражасининг пасайишига сабаб бўлар эди.

---

<sup>1</sup> Соатов С.С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1973. 111-112-бетлар.

## ХУЛОСА

XVIII асрга келиб, бу вақтгача 2400 йиллик улкан тарихий тараққиёт йўлига эга ўзбек давлатчилигида бўлиниш, тарқоқлик ҳолати юзага келди. Бир сўз билан айтганда, миллат ва жамият бошқарувига даъвогар ҳокимият уч ерда – Бухоро, Хива ва Қўқонда мужассамлашди. Бу учта давлат илгарида ягона давлат, ягона макон бўлгани учун ҳам, минтақадаги табиий шарт-шароитлар уччала давлат учун ҳам ягона бўлгани боис, сиёсий тараққиёт, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар уччала хонликда ҳам деярли бир ҳилда кечди. Зеро, аслида бу уч сиёсий бирлик ягона сиёсий бирлик – давлатнинг учга бўлинишидан, бир мамлакатнинг уч қисмга парчаланишидан таркиб топган эди.

Ўзбек хонликларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, ишлаб чиқариш муносабатлари ўз даврига хос тарзда ривожланишда давом этди. Хонликлардаги ер эгалиги муносабатлари, ишлаб чиқариш, хўжалик юритиш шаклларида деярли фарқлар йўқ эди. Бу фикрни хусусан, ер эгалиги муносабатларида ҳам яққол кўриш мумкин. Юқорида кўриб ўтилганидек, уччала давлатда ҳам асосий ерлар хон ва унинг авлодлари, йирик амалдорлар кўлида тўпланган. Асосий ишлаб чиқарувчи бўлган оддий меҳнаткашлар кўлида ерлар нисбатан оз эди.

Хонликлар ҳудудларидаги аҳоли бир текис жойлашмасдан, муайян ҳудуднинг шарт-шаритларига кўра турлича тақсимланган эди. Водийларда ва сувга сероб унумдор воҳаларда аҳоли тифиз ўрнашиб, улар асосан деҳқончилик билан машғул бўлганлар. Тоғолди ҳудудларида ва чўл ва адирлик зоналарида аҳоли кам бўлиб, уларнинг асосий машғулоти чорвачилик ташкил этган. Шунингдек, хонликлар ҳудудида кўп турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб, улар ҳам ўз жойлашув хусусиятига ва асрий анъаналарига кўра турли машғулоти билан шуғулланардилар.

Энди XVIII-XIX асрларда то Россия босқинига қадар мамлакатдаги ишлаб чиқариш соҳаларига умумий баҳо берадиган бўлсак, сиёсий муносабатлар нечоғлик мураккаб бўлишидан қатъий назар бу даврда

деҳқончилик, сунъий суғориш ишларига эътибор сусаймаган, десак тўғри бўлади. Деҳқончилик кўп жиҳатдан сунъий суғориш ишлари билан боғлиқ мамлакат учун бу соҳадаги доимий ҳаракатлар бўлиши табиий эди. XVI-XVII асрларда бу соҳада амалга оширилган тадбирлар маълум маънода давом эттирилиб, хонликлар даврида бу давргача амалга ошириб келинган, қурилган сунъий суғориш иншоотларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинган, айти пайтда янги суғориш тармоқлари, иншоотлари барпо этилган. Хива хонлигида эса сунъий суғориш борасида олдинги асрларга нисбатан кўп иш қилингани яққол кўзга ташланади. Албатта, бу каби ишларда аввало хонлар ва йирик амалдорлар ташаббус кўрсатганлар. Араб Муҳаммадхон Тук қалъасидан Куйгун томон қазитган канал. Абулғозий Баҳодирхон номи билан боғлиқ Ғозиобод каналининг таъмирланиши, Анушахон замонида қурилган, узунлиги 143 км, эни 30 метр, чуқурлиги 3,5 метр бўлган Шоҳобод ва Ўрмиш каналлари, Али султон қурдирган Тошли ёрмиш канали ҳамда Манғитарна (XVII аср), Эшим Яраган, Омонқули, Ингичка, Ихлос, Қилич Ниёзбой (1815), Янгиёп ва Қорақўз (XIX аср), Шоҳмурод (1846), Раҳмонбердибой, Тошсақо (1828), Кўхна Урганч-Хонёп (1831), Қорақалпоқ, Хонобод (1847), Сипоҳий, Муҳаммад Амин (1850), XIX аср 50-йилларидаги Калтаминор, Боғёп, Амиробод, Сарибий каналлари ва бошқа катта-кичик сунъий суғориш иншоотлари билан боғлиқ тадбирлар фикримиз далили бўла олади.

Кўқон хонлигида Эрдона, Норбўта ҳукмронлик қилган замонларда Сўх дарёсидан чиқарилган каналлар, Олимхон буйруғи билан қаздирилган олтига канал ва натижада ҳозирда машҳур Олтиариққа асос солиниб. Бу ерларнинг ободонлашиши, Умархон даврида Қорадарёдан чиқарилган, Андижон ва Марғилон оралиғидаги Шаҳрихонгача борадиган канал, Норин дарёсидан бошланадиган Янгиариқ канали (1819), Хон ва Зарбак каналлари (1803), Муҳаммадалихон замонида Иламишмозордан бошланувчи канал, Худоёрхон замонидаги Чинобод (1855), Улуғнаҳр (1869-1879) каби каналларнинг бунёд этилиши Фарғона водийсида сунъий суғориш ишлари жадал борганидан далолатдир.

Суғориш ишларини йўлга қўйиб бориш табиий равишда деҳқончилик. Боғдорчилик учун тегишли шароит яратиб берган. Ўлкада илгаригидек дончилик, пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик, пиллачилик ривожланишда давом этган. Мазкур соҳалардаги аҳвол нечоғлик бўлганини шундан ҳам билса бўладики, 1840 йили Бухоро амирлигида фақат боғдорчиликдан олинган умумий даромад 99 миллион тиллани ташкил қилган. Боғдорчилик Хива ва Қўқон хонликларида ҳам шундай даражада тараққий топган. Боғлар ўнлаб, юзлаб гектар майдонни эгаллаган.

Ўзбек хонликларида сунъий суғоришнинг ривожланиши, экинзор майдонларнинг кенгайиб бориши ўз навбатида янги шаҳарларнинг пайдо бўлишига ҳам таъсир кўрсатган. Янги ўзлаштирилиб, сув чиқарилган ерларда обод қишлоқ ва шаҳарлар қад ростлаган. Бу аҳоли масканларида деҳқончилик ишлаб чиқариши билан бир қаторда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши аҳоли сонининг кўпайишига, ҳудудларда ўтроқ аҳоли пунктларининг кўпайишига таъсир кўрсатган. Умуман, айтганда, ўзбек хонликлари даврида ер-сув муносабатларининг асрий анъаналар ва тажрибалар асосида ривожланиб бориши умумий хўжалик ривожига катта таъсир кўрсатди. Ушбу магистрлик диссертациясида жамланган назарий натижалар ва илмий таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбек хонликлари ҳукм сурган XVIII-XIX асрларда ер-сув муносабатлари, хўжалик ишлаб чиқариш анъаналари секинлик билан бўлсада, ривожланишда давом этди.

2. Минтақада сунъий суғориш ишларини ривожлантириш ва такомиллаштириш узлуксиз давом этди.

3. Кўриб ўтилаётган даврда деҳқончилик вохалари билан чорвадор аҳоли ўртасидаги иқтисодий-хўжалик алоқалари янада фаоллашди, айти пайтда ўтроқ деҳқончилик вохаси аҳолиси кўпайиб борди.

4. Деҳқончиликнинг маълум даражада ривожланиши ўз навбатида Россия босқинига қадар хонликлар ўртасидаги ва қўшни давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқ алоқаларининг ривожланишига таъсир кўрсатди.

Хуллас, сунъий суғориш ишлари, қурилишидан тортиб деҳқончилик, хунармандчилик, фан ва маданиятгача, ички савдодан ташқи иқтисодий алоқаларгача бўлган далилларни эътиборга олсак, юртимиз ва аجدодларимиз XVIII-XIX асрларда дунёнинг кўпчиликлари ва мамлакатларидан орқада қолмаганлар. Аммо давлат сиёсатида, яққа ҳуқуқдорлик асосида қурилган ижтимоий-сиёсий тизимдаги етакчи кучлар – хону амирлар, беку амалдорлар фаолиятида ана шу замонавий тараққиёт асосларининг инкор этилиши, улардан миллий манфаат йўлида фойдалана билмаслик, ўз тор доираларида ўралашиб қолишлик, дунё миқёсида фикрлашнинг йўқлиги пировардида қимматга тушди. Сиёсий жиҳатдан тарқоқ, ҳудудий парчаланган, ҳарбий жиҳатдан қолоқ бўлган мамлакатимиз XIX асрнинг 60-70-йилларида Россия босқинчилари томонидан заб этилди.

Тадқиқ этилган мавзу юзасидан чиқарилган хулосалар ва қўйилган масалани тадқиқ этиш жараёнидаги мулоҳазалар асосида қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мумкин:

1. Ўзбек хонликлари давридаги ер-сув муносабатлари ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги анъанавий тажрибаларни қиёсий ўрганиш зарур.
2. Хонликлар давридаги ер-сув муносабатлари масалаларини чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиш ва бунинг натижалари асосида олинган назарий маълумотлардан таълим жараёнида фойдаланиш зарур.
3. Хонликлар даври қишлоқ хўжалиги, ер-сув муносабатлари масаласи бўйича алоҳида китоблар, монографиялар яратилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.



## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Асарлар, 3-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Шарқ”, 1998.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
8. Каримов И.А. Она юртимиз бахту-иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015.

### **II. Адабиётлар**

1. Абу Тоҳирхожа. Самария. – Т.: “Мерос”, 1990.
2. Абулғозий Баҳодурхон. Шажараи турк. – Т.: “Чўлпон”, 1992.
3. Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI-первой половине XIX века. Том 1. – Т.: “Фан”, 1966.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: “Шарқ”, 2001.
5. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991.
6. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994.
7. Баёний Муҳаммад Юсуф. Шажараи Хоразмшоҳий. – Т.: “Камалак”, 1994.

8. Бобобеков Х.Н. Қўқон тарихи. – Т.: “Фан”, 1996.
9. Вамбери Х. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
10. Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи. – Т.: “Фан”, 1969.
11. Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Т.: “Фан”, 1965.
12. Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат. Фарғона тарихи. – Т.: “Камалак”, 1991.
13. Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Т.: “Фан”, 1959.
14. Муртазаева Р.Ҳ., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
15. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худоярхана). – Т.: “Фан”, 1973.
16. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней Азии. – М.: «Наука», 1966.
17. Сагдуллаев А., ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: “Академия”, 2000.
18. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тархининг тарихшунослигидан лавҳалар (1-қисм). – Т.: “Ўқитувчи”, 1993.
19. Самарқанд тарихи. 1-2 том. Муаллифлар гуруҳи. – Т.: “Фан”, 1971.
20. Бухоро тарихи. Муаллифлар гуруҳи. – Т.: “Фан”, 1974.
21. Семёнов А.А. Очерки поземельно-податного налогового устройства Бухарского ханства. /Труды САГУ, серия 2, вып. 1. – Т.: 1950.
22. Соатов С.С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1973.
23. Троицкая А.Л. Материалы по истории Кокандского ханства XIX в. – М.: 1969.
24. Хоразм тарихи. 1-жилд. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир

- М.Матниёзов. – Урганч: 1997.
25. Худойкулов Т.Д. XIX асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. – Т.: “Тафаккур”, 2010.
26. Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи. – Т.: “Шарқ”, 2004.
27. Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: «Янги аср авлоди», 2012.
28. Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане. Конец XIX – начала XX вв. – Ташкент: 1969.
29. Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1956.
30. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-2 жилдлар. – Т.: “Фан”, 1991-1992.
31. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик). Профессор Р.Ҳ. Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003.
32. Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент-Наманган: 1994.